БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 83 (2631). | Якшанба, 26 апрель 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноатчилари маҳсулот ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш квартал планини муваффақиятли бажардилар.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103 процент бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процент ошди. Шу жумладан, химия саноати маҳсулоти 17 процент, электр энергияси ва иссиқлик энергияси ҳосил қилиш 18 процент, машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти 15 процент кўпайди.

1964 йилнинг I кварталида 385 минг тонна, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 39,9 минг тонна кўп минерал ўғит ишлаб чиқарилди. 88 минг тонна, яъни 1963 йилнинг шу давридагига қараганда 3667 тонна кўп пўлат, 64 минг тонна, яъни ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 3716 тонна кўп прокат ишлаб чиқарилди, 447 минг тонна, яъни 1963 йилнинг дастлабки уч ойидагига нисбатан 9991 тонна кўп нефть, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,1 миллиард куб метр кўп газ қазиб чиқарилди. 2236 миллион киловат-соат, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 304 миллион киловатт-соат кўп электр энергия ҳосил қилинди, 312 минг кубометр йиғма темирбетон ишланди.

3478 минг сўмлик химия ускуналари, 340 дона компрессор, 198 дона скрепер, 3384 дона трактор, 1880 дона трактор сеялкалари, 693 дона кўрак чувиш машиналари, 33,8 миллион шартли тахта шифер ишлаб чиқарилди. 337 минг тонна, яъни ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 15 процент кўп пахта толаси ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмол товарлари янада кўпайди. 55 миллион 585 квадрат метр, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,1 миллион квадрат метр кўп ип ва шойи газламалар, 85 минг метр тўқилмаган материаллар ишлаб чиқарилди, ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан — чарм пойафзал ишлаб чиқариш 113 минг жуфт, кийим-кечаклар ишлаб чиқариш 16 процент кўпайди. 1963 йилнинг 1 кварталидагига қараганда 739 минг сўмлик мебеллар, 1589 тонна гўшт (давлат хом ашё ресурсларидан), 4615 тонна ўсимлик ёғи, 2553 минг шартли банка консерва кўп ишлаб чиқарилди.

1964 йил биринчи кварталида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 6 процент ортди. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

«ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТААЛЛУҚЛИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА» 1964 ЙИЛ 13 АПРЕЛДА ЁЗГАН ХАТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети шуни қайд қиладики, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг хатида кадрларни ўқитишни, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни саноат тарзида ташкил этишни яхшилашга, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишларини такомиллаштиришга доир туб масалалар қўйилган.

Хатда баён қилинган вазифаларни бажариш қишлоқ хўжалигини интенсивлаштирмоқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда КПСС XXII съезди белгилаган даражага эришмоқ учун жуда катта аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Партиянинг қишлоқ хўжалигини интенсивлашга қаратилган йўлини амалга оширишга тааллуқли баъзи масалалар ҳақида»ги хати маъқулансин ва бу хат матбуотда эълон қилинсин.

2. Подгорний (раис), Брежнев, Воронов, Косигин, Микоян, Полянский, Ефремов, Поляков, Ломако, Димшиц, И. Новиков, Воловченко, Ежевский, Гусев, Корниец ўртоқлардан, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари ва Министрлар Советларининг раисларидан иборат комиссияга қуйидагилар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиб, бир ой муддат ичида КПСС Марказий Комитетига тақдим этиш топширилсин:

а) тухум ва парранда гўшти етиштиришни саноат тарзида ташкил этиш тўғрисида;

б) йирик ихтисослаштирилган совхозларда ва фабрикаларда чўчқаларни саноат тарзида боқиб семиртириб, чўчқа гўшти етиштиришни ташкил этиш тўғрисида;

в) ихтисослаштирилган сутчилик совхозларини янада ривожлантириш ва сут-гўшт чорвачилигини интенсивлаштирмоқ учун мамлакат айрим районларидаги қулай имкониятлардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш тўғрисида.

3. КПСС Марказий Комитетининг Қишлоқ хўжалик бўлимига, Иттифоқ қишлоқ хўжалик комитетига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қишлоқ хўжалик кадрларига ишлаб чиқаришнинг илғор методларини ўргатиш системасини, шунингдек колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишларини янада яхшилашнинг зарур чораларини иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари билан биргаликда ишлаб чиқиш топширилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни илғор тажриба асосида ташкил этишга доир дарсликлар нашр қилиш плани КПСС Марказий Комитетига тақдим этилсин.

4. КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрликлари, ўлка ва область ижроия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг хати асосида ҳар бир хўжалиги, ҳар бир ишлаб чиқариш бошқармасининг имкониятларини чуқур ўрганишни ташкил этсинлар, деҳқончилик ва чорвачиликда энг кўп натижа берадиган ихтисослаштиришни амалга оширсинлар, меҳнат ва маблағларни энг кам сарф-қилишда олиб борилаётган ташкилий ишни назарда тутаётирман.

Конкрет бир мисолни айтиб берай. Одамларни Светличний, Первицкий, Гиталов, Мануковский, Плотников ўртоқлар ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа усталари ҳозирги вақтда ишлаётгандек қилиб ишлашга ўргатиш, меҳнатни энг кам сарфлаган ҳолда энг кўп миқдорда маҳсулот олишга имкон берадиган илғор ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш вазифаси бизнинг олдимизда турибди. Мамлакатимизда ўнлаб ва минглаб илғорлар борки, уларнинг иш методлари ўрганишга ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга арзийди.

Хўш, меҳнатнинг илғор методларини ўргатишни қандай қилиб яхшироқ ташкил қилиш керак? Илғорлар тажрибасини юзаки, примитив тарзда ўрганишдан аҳтиёт бўлиш керак. Бизда шундай қилишади. қанд лавлаги етиштириш билан шуғулланаётган механизаторларни ўртоқ Светличний олдига олиб боришади. у ерда бир-икки-уч кун туришади, эҳтимолки бир ҳафта туришадида яна келган жойларига тарқаб кетишади. Аммо улар илғор иш методини қандай ўзлаштириб олганликлари, нималарни ўрганганликларини, улар ўз хўжаликларида ишлаб чиқаришни Светличний сингари ташкил қила оладиларми ёки йўқми, бу нарса маълум эмас. Зотан, Кубанга Светличний олдига, масалан, Воронеж областидан бир-икки кунга келиб, унинг иш методларини ўрганиб олиш мумкинми, ахир. Аммо, бизда кўп кишилар шундай қиладилар. Ўртоқ Светличний ишлаб турган хўжаликка юз, баъзан эса минг километрлаб йўл босиб келиб, бир кун туришади-да, дарҳол қайтиб кетишади. Бунақа зиёратбозликнинг кимга кераги бор? Бу зиёратбозлик зарардан бошқа ҳеч нарса бермайди. Илғор хўжаликларга экскурсия қилиб боришнинг кераги йўқ, балки колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг кенг оммасига, раҳбарларга ва мутахассисларга илғор методларни чуқур ўргатиш керак.

Ишлаб чиқаришга янгиликни жорий қилиш учун масъул бўлган баъзи раҳбар ходимлар ҳам ўз вазифаларини нотўғри тушунишлари мумкин, деган муайян хавф бор. Бунда гап аввало ишлаб чиқариш бошқармаларининг, партия комитетларининг, қишлоқ область партия комитетларининг ходимлари, яъни ишлаб чиқаришни юксак даражада ташкил этиши лозим бўлган ходимлар устида бораётир. Ҳақиқатдан кўз юммаслик керак: янги талабларга «мосланиб олишга» ўринадиган раҳбарлар бизда ҳали ҳам бор. Улар ишни чуқур билмай, Светличний методининг моҳиятини, ёки бу, бу ёки бу методнинг моҳиятини билмай туриб, лекин газеталарда ёзилган гапларни ёдлаб олиб, бу гапларни циркдаги жонглерлар сингари эпчиллик билан ишлата берадилар. Бир қарашда бундай киши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини конкрет тушунадиган билармон киши бўлиб кўринади. Лекин бу ишни у фақат хўжа кўрсинга билади, холос.

Бундай ҳодисалардан қандай қилиб бўлса ҳам қутулишимиз, илғор меҳнат методларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш сингари давлатнинг муҳим ишини вайсақи ва пучаки кишилардан, дабдабабозлик ва ҳайбаракаллачиликдан сақлаб қолиш керак. Агар шундай қилинмаса, қишлоқ хўжалигини интенсивлашдек катта вазифани амалга оширишга зарар етади.

Менимча, илғорлар тажрибасини ва фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўлидаги ҳамма ишимизни хийла мустаҳкам негизга қуришимиз керак. Бунинг учун эсэ аввало, кадрларни ўргатиш, уларнинг хўжаликни интенсив юритиш билимларини эгаллаб олишларига ёрдам бериш керак. Бу ишни, аввало, қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг программаларидан, дарсликларидан бошламасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Ўртоқ Светличний кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда ва қўл меҳнати сарфламай, қанд лавлаги етиштириш намунасини кўрсатмоқда. Хўш, унинг тажрибаси ўқув программаларида қандай акс эттирилди, бу тажриба ҳозир қишлоқ хўжалик институтларида ва техникумларида, мутахассисларнинг малакасини ошириш курсларида қандай ўрганилмоқда? Гапнинг очиғини айтсак, бу методни ишлаб чиқаришга конкрет татбиқ этиш нуқтаи назаридан қараганда студентлар ҳам, мутахассислар ҳам ўрганаётгани йўқ.

Маккажўхори етиштиришда ажойиб натижаларга эришган Первицкий ва Гиталов ўртоқларнинг методларини ўрганиш тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Мен уларнинг номларини ёнма-ён қўйиб гапираётирман. Уларнинг тажрибаси ишлаб чиқаришга жорий қилинишга арзийди. Аммо адолат нуқтаи назаридан шуни айтиш керакки, ўртоқ Первицкий анча юқорироқ меҳнат унумдорлигига эришди. 1962 йилда маккажўхори донининг ҳар центнерини етиштиришга ўртоқ Первицкий 8 минут, ўртоқ Гиталов эса 24 минут сарфлади.

Маккажўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинларни парваришлашнинг прогрессив технологиясини узоқ вақтдан бери қўлланиб келаётган механизаторларни мисол қилиб кўрсатаётирман. Демак, уларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш, бу тажрибани қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг ва техникумларининг программасига киритиш имконияти бор эди, бу эса тағин ҳам малакалироқ кадрлар тайёрлаш учун яхши негиз бўла олур эди.

Хуллас, биз янгиликни ёйишда жуда сусткашлик қилаётирмиз. Баъзан бизда янгилик қайдаражада пропаганда қилинаётганлигига у ёки бу масаланинг матбуотда қандай ёритилаётганлигига қараб баҳо берилади. Агар, муайян маҳсулотни етиштиришнинг илғор методи тўғрисида газетада мақола босилиб чиқса, партия ташкилоти иш юришиб кетди, мурод ҳосил бўлди, деб ҳисоблайди.

Лекин мақола босиб чиқариш, шу илғор метод тўғрисида киноочерк тайёрлаш ва уни кўрсатиш билан ҳали иш битмайди. Энг муҳими шуки, у ёки бу методнинг моҳиятини, мақолаларда ва киноочеркларда ҳамиша ҳам кўрсатиб бериш маҳол. Бу методнинг қаймоғи ҳамиша кўрсатилаётгани ҳам йўқ. Баъзан киноочерк кўрганингда, шу киноочеркни суратга олган кишилар ишлаб чиқариш тўғрисида, методнинг моҳияти тўғрисида, масалан, ўртоқ Светличнийнинг методи тўғрисида эмас, балки ташқи дабдаба билан томошабинни ҳайратда қолдириш тўғрисида кўпроқ ўйлаганликлари кўзга ташланади. Киноочерк жонли, қизиқарли бўлиши лозим, албатта. Лекин энг муҳими муайян методнинг ўзагини кўрсатиб бериш, шу методга асос бўлган атомни, молекулани топиб кўрсатиш керак. Шундай қилинмаса тажрибани ёйиш ҳам, жорий қилиш ҳам, такрорлаш ва янада ривожлантириш ҳам мумкин эмас.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА

ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТААЛЛУҚЛИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашга доир қабул қилинган қарорларни қандай қилиб муваффақиятли амалга оширишни ҳозир ҳаммамиз ўйламоқдамиз. Менда баъзи мулоҳазалар ва таклифлар пайдо бўлди. Мен сизларга ўз фикрларимни айтиб бермоқчиман.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ва саноатга раҳбарликни яхшилашга қаратилган муҳим чоралар амалга оширилди. Партия ташкилотларини ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилганлиги тўғри бўлиб чиқди ва эндиликда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Раҳбарлар ва мутахассислар энди ишлаб чиқаришнинг муайян тармоғи билан шуғулланмоқдалар. Одамлар қишлоқ хўжалигини ва саноатни тағин ҳам чуқурроқ ўрганмоқдалар, ўз соҳаларида ўсмоқдалар, экономикани ривожлантиришга самарали таъсир ўтказмоқдалар. Бундан буён, хўжаликни бошқаришнинг янги системаси мустаҳкамлана борган сари, кадрлар тағин ҳам тўғрироқ танланадиган ва ўқитиладиган бўлиб қолган сари саноатга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик янада конкретроқ бўлиб бора беради.

Марказий Комитет декабрь Пленумининг химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари жуда тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган қарорлар бўлдики, менинг бу фикримга ҳамма қўшилади, деб ўйлайман. Химияни ривожлантиришнинг катта программасини қабул қилиш билан бутун экономикамизни — саноатни ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам янада тезроқ ривожлантиришга яхши негиз яратиб бердик.

Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми кетидан февраль Пленуми ўтказилганлиги яхши бўлди, бу Пленумда партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашга қаратилган йўли ишлаб чиқилди. Февраль Пленумининг қарорлари кадрларимизни қуроллантирмоқда, уларнинг куч ва ғайратини химия, электрлаштириш, механизация ва ирригациянинг ривожланиши натижасида вужудга келаётган имкониятлардан муайян мақсадни кўзлаб фойдаланишга йўллямоқда.

Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорларини қандай қилиб яхшироқ бажариш тўғрисида раҳбар партия ва совет ходимларининг кенгашида 28 февралда қилган докладимда гапириб ўтилди. Унда колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, партия ташкилотларининг вазифалари ўнда қилиб ва конкретлаштирилиб берилди. Докладда қўйилган масалалар — колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлиги тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни механизациялашни ташкил этиш тўғрисидаги, планлаштириш практикасида бўлган шаблон ва бузишларга қарши курашиш тўғрисидаги масалалар тўғри ҳал қилинса, бу нарса Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорини амалга оширишда катта роль ўйнаши мумкин, деб ҳисоблайман.

Ишимизнинг асосий йўлларини гарчи белгилаб олган бўлсак-да, ҳар ҳолда мен баъзи конкрет масалаларга эътиборни яна бир марта жалб қилиш, шу масалаларнинг энг асосийларини алоҳида ажратиб кўрсатиш ҳамда имкониятларимиздан кенг ва яхшироқ фойдаланмоқ учун буларни қандай қилиб ҳал қилиш кераклиги тўғрисида ўз фикримни айтишни зарур деб ҳисоблайман.

Кадрларни ўргатиш системасини қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш керак

Яқинда иттифоқдош республикалар Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг Пленумлари, партия ташкилотлари активларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Шу пленум ва йиғилишларда қишлоқ хўжалигини интенсивлашга тааллуқли вазифалар муҳокама қилинди. Марказий Комитет февраль Пленуми материаллари ҳозир колхоз ва совхозларда, корхоналарда ўрганилмоқда, конкрет ишлар ҳақида, доз, техника экиндари ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш чоралари ҳақида гаплашилмоқда.

Шу ишларнинг боришига назар солинса, ҳамма нарса тўғри қилинаётгандек бўлиб туюлади. Партия ташкилотлари ўз олдиларида турган вазифаларни тушуниб турибдилар. КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумларида қабул қилинган қарорларни маъқулламоқдалар ва қуллаб-қувватламоқдалар. Бу қарорлар халқнинг турмуш даражасини оширишга, мамлакат экономикасини кўтаришга, коммунизм қуришда тағин ҳам муваффақиятлироқ равишда олга боришга, партия XXII съезди қабул қилган КПСС Программасини амалга оширишга қаратилган қарорлар эканлигини бутун совет кишилари гўшниб турибдилар.

Партия ташкилотлари амалга ошираётган шу ишларнинг ҳаммаси катта аҳамиятга эга. Бу иш меҳнаткашларни Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини бажаришга сафарбар қилишда муайян роль ўйнайди. Лекин ташкилий ишимизга ҳаддан ташқари ошиқ баҳо бериб юбориш ярамайди. Бу иш ҳамиша ҳам етарли равишда самарали бўлаётир, деб бўлмайди, бу ишнинг формалари кўп йиллардан бери айни бир шаклда қолиб келмоқда. Одам организми бир дорига мослашиб қолиб, бора-бора бу дори таъсир қилмайдиган бўлиб қолгани каби бизнинг партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларимиз ҳам ишимиз муайян ташкилий формаларига шу қадар одатланиб кетадиларки, бунинг натижасида ташкилий иш шаблонга айланиб кетиб, ўзининг ўткирлигини, таъсирчанлигини йўқотиб қўйганлигини пайқамайдилар.

Агар бундай ўхшатишни давом эттирсак, шуни айтиш мумкинки, врачлар даволашни хилма-хиллаштирмоқ учун айни бир касалга қарши бир неча хил дори топиб қўйишга ҳаракат қиладилар. Организм муайян дорига мослашиб қолганлиги натижасида шу дори кор қилмайдиган бўлиб қолгандан кейин врач бошқа хил дорини тайинлайди ва рецептни ўзгартиради. Биз ҳам ташкилий иш формаларини хилма-хиллаштиришимиз ва ўткирлаштиришимиз, бу иш формаларини тағин ҳам таъсирчан бўлишига эришмоғимиз, шаблонга имкон борича йўл қўймаслигимиз кераклиги очиқ кўриниб турибди. Мен меҳнатнинг илғор усулларини ва илғор технологияни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилишда олиб борилаётган ташкилий ишни назарда тутаётирман.

Конкрет бир мисолни айтиб берай. Одамларни Светличний, Первицкий, Гиталов, Мануковский, Плотников ўртоқлар ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа усталари ҳозирги вақтда ишлаётгандек қилиб ишлашга ўргатиш, меҳнатни энг кам сарфлаган ҳолда энг кўп миқдорда маҳсулот олишга имкон берадиган илғор ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш вазифаси бизнинг олдимизда турибди. Мамлакатимизда ўнлаб ва минглаб илғорлар борки, уларнинг иш методлари ўрганишга ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга арзийди.

Хўш, меҳнатнинг илғор методларини ўргатишни қандай қилиб яхшироқ ташкил қилиш керак? Илғорлар тажрибасини юзаки, примитив тарзда ўрганишдан аҳтиёт бўлиш керак. Бизда шундай қилишади. қанд лавлаги етиштириш билан шуғулланаётган механизаторларни ўртоқ Светличний олдига олиб боришади. у ерда бир-икки-уч кун туришади, эҳтимолки бир ҳафта туришадида яна келган жойларига тарқаб кетишади. Аммо улар илғор иш методини қандай ўзлаштириб олганликлари, нималарни ўрганганликларини, улар ўз хўжаликларида ишлаб чиқаришни Светличний сингари ташкил қила оладиларми ёки йўқми, бу нарса маълум эмас. Зотан, Кубанга Светличний олдига, масалан, Воронеж областидан бир-икки кунга келиб, унинг иш методларини ўрганиб олиш мумкинми, ахир. Аммо, бизда кўп кишилар шундай қиладилар. Ўртоқ Светличний ишлаб турган хўжаликка юз, баъзан эса минг километрлаб йўл босиб келиб, бир кун туришади-да, дарҳол қайтиб кетишади. Бунақа зиёратбозликнинг кимга кераги бор? Бу зиёратбозлик зарардан бошқа ҳеч нарса бермайди. Илғор хўжаликларга экскурсия қилиб боришнинг кераги йўқ, балки колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг кенг оммасига, раҳбарларга ва мутахассисларга илғор методларни чуқур ўргатиш керак.

Ишлаб чиқаришга янгиликни жорий қилиш учун масъул бўлган баъзи раҳбар ходимлар ҳам ўз вазифаларини нотўғри тушунишлари мумкин, деган муайян хавф бор. Бунда гап аввало ишлаб чиқариш бошқармаларининг, партия комитетларининг, қишлоқ область партия комитетларининг ходимлари, яъни ишлаб чиқаришни юксак даражада ташкил этиши лозим бўлган ходимлар устида бораётир. Ҳақиқатдан кўз юммаслик керак: янги талабларга «мосланиб олишга» ўринадиган раҳбарлар бизда ҳали ҳам бор. Улар ишни чуқур билмай, Светличний методининг моҳиятини, ёки бу, бу ёки бу методнинг моҳиятини билмай туриб, лекин газеталарда ёзилган гапларни ёдлаб олиб, бу гапларни циркдаги жонглерлар сингари эпчиллик билан ишлата берадилар. Бир қарашда бундай киши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини конкрет тушунадиган билармон киши бўлиб кўринади. Лекин бу ишни у фақат хўжа кўрсинга билади, холос.

Бундай ҳодисалардан қандай қилиб бўлса ҳам қутулишимиз, илғор меҳнат методларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш сингари давлатнинг муҳим ишини вайсақи ва пучаки кишилардан, дабдабабозлик ва ҳайбаракаллачиликдан сақлаб қолиш керак. Агар шундай қилинмаса, қишлоқ хўжалигини интенсивлашдек катта вазифани амалга оширишга зарар етади.

Менимча, илғорлар тажрибасини ва фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўлидаги ҳамма ишимизни хийла мустаҳкам негизга қуришимиз керак. Бунинг учун эсэ аввало, кадрларни ўргатиш, уларнинг хўжаликни интенсив юритиш билимларини эгаллаб олишларига ёрдам бериш керак. Бу ишни, аввало, қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг программаларидан, дарсликларидан бошламасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Ўртоқ Светличний кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда ва қўл меҳнати сарфламай, қанд лавлаги етиштириш намунасини кўрсатмоқда. Хўш, унинг тажрибаси ўқув программаларида қандай акс эттирилди, бу тажриба ҳозир қишлоқ хўжалик институтларида ва техникумларида, мутахассисларнинг малакасини ошириш курсларида қандай ўрганилмоқда? Гапнинг очиғини айтсак, бу методни ишлаб чиқаришга конкрет татбиқ этиш нуқтаи назаридан қараганда студентлар ҳам, мутахассислар ҳам ўрганаётгани йўқ.

Маккажўхори етиштиришда ажойиб натижаларга эришган Первицкий ва Гиталов ўртоқларнинг методларини ўрганиш тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Мен уларнинг номларини ёнма-ён қўйиб гапираётирман. Уларнинг тажрибаси ишлаб чиқаришга жорий қилинишга арзийди. Аммо адолат нуқтаи назаридан шуни айтиш керакки, ўртоқ Первицкий анча юқорироқ меҳнат унумдорлигига эришди. 1962 йилда маккажўхори донининг ҳар центнерини етиштиришга ўртоқ Первицкий 8 минут, ўртоқ Гиталов эса 24 минут сарфлади.

Маккажўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинларни парваришлашнинг прогрессив технологиясини узоқ вақтдан бери қўлланиб келаётган механизаторларни мисол қилиб кўрсатаётирман. Демак, уларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш, бу тажрибани қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг ва техникумларининг программасига киритиш имконияти бор эди, бу эса тағин ҳам малакалироқ кадрлар тайёрлаш учун яхши негиз бўла олур эди.

Хуллас, биз янгиликни ёйишда жуда сусткашлик қилаётирмиз. Баъзан бизда янгилик қайдаражада пропаганда қилинаётганлигига у ёки бу масаланинг матбуотда қандай ёритилаётганлигига қараб баҳо берилади. Агар, муайян маҳсулотни етиштиришнинг илғор методи тўғрисида газетада мақола босилиб чиқса, партия ташкилоти иш юришиб кетди, мурод ҳосил бўлди, деб ҳисоблайди.

Лекин мақола босиб чиқариш, шу илғор метод тўғрисида киноочерк тайёрлаш ва уни кўрсатиш билан ҳали иш битмайди. Энг муҳими шуки, у ёки бу методнинг моҳиятини, мақолаларда ва киноочеркларда ҳамиша ҳам кўрсатиб бериш маҳол. Бу методнинг қаймоғи ҳамиша кўрсатилаётгани ҳам йўқ. Баъзан киноочерк кўрганингда, шу киноочеркни суратга олган кишилар ишлаб чиқариш тўғрисида, методнинг моҳияти тўғрисида, масалан, ўртоқ Светличнийнинг методи тўғрисида эмас, балки ташқи дабдаба билан томошабинни ҳайратда қолдириш тўғрисида кўпроқ ўйлаганликлари кўзга ташланади. Киноочерк жонли, қизиқарли бўлиши лозим, албатта. Лекин энг муҳими муайян методнинг ўзагини кўрсатиб бериш, шу методга асос бўлган атомни, молекулани топиб кўрсатиш керак. Шундай қилинмаса тажрибани ёйиш ҳам, жорий қилиш ҳам, такрорлаш ва янада ривожлантириш ҳам мумкин эмас.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

БОЛАЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюроси ўсиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда оиланинг ролини ошириш ва болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида 1964 йилнинг август ойида болаларни оилада ва жамоатчилик ёрдамида тарбия қилиш бўйича I-шаҳар съездини чақиришга қарор қилди. Съезд «Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида ўсиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда оила ва жамоатчиликнинг ролини ошириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Корхоналар, қурилишлар, муассасалар, ўқув юртлари ва ташкилотларда, шунингдек маҳаллалар, уй бошқармалари ва мактабларда шу йилнинг апрель-июнь ойларида партия, касаба союз ва комсомол йиғилишлари, ота-оналар мажлислари ўтказилади. Бу йиғилишларда болалар ва ёшларни тарбиялашда ота-оналар ҳамда жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади, оила ва жамоатчилик тарбияси бўйича бўлажак район конференцияларига делегатлар сайланади.

Район конференциялари июль ойида ўтади. Бу конференцияларда I-шаҳар съездига делегатлар сайланади.

Шаҳар съездига делегатлар юбориш нормаси белгиланди.

Халқ маорифи бўлимлари, мактабларнинг педагогика коллективлари ота-оналар йиғилишларини юксак савияда ўтказишга даъват этилдилар. Улар оилаларда бола тарбиясини ўрганиш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, болалар ва ўсмирлар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилаш тадбирларини белгилаш ва муҳокама этишда партия, касаба союз ташкилотларига, уй бошқармалари ва маҳалла комитетларига амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюроси район партия комитетлари ва ижроия комитетлари зиммасига болалар тарбияси учун ота-оналарнинг роли ва масъулиятини ошириш соҳасида мактабларнинг педагогика коллективлари ва жамоат ташкилотларининг ишини ўрганиш, энг яхши мактаблар, ота-оналар комитетларининг тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш, тарбия масалаларига бағишланган йиғилишлар ва район конференцияларининг юксак савияда ўтишини таъминлаш вазифасини юклади.

Съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга раҳбарлик қилиш учун Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Архангельский бошчилигида ташкилий комитет тузилди.



ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт, тухум сотиш йиллик планини муваффақият билан адо этишди. Давлатга пландаги 520 центнер ўрнига 534 центнер гўшт, 32 минг ўрнига 32200 дона тухум топширишди ва пландан ташқари яна 50 центнер гўшт сотиш мажбуриятини олишди.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги машъал хўжалик — «Политотдел» колхозида чигит экиш кампанияси кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Суратда: Ўртоқ Ғаффор Пирматов бошлиқ илғор экипаж колхоз даласида чигит экмоқда. Кунлик нормасини мунтазам ошириб адо этаётган бу экипаж юқори меҳнат унумдорлигига эришаётир.

А. Абалян фотоси.

ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТААЛЛУҚЛИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Афсуски, кинорежиссерларнинг ҳаммаси ҳам буни тушуна бермайдилар, ишлаб чиқарилаётган илмий ишлаб чиқариш фильмларнинг сифатига нисбатан ҳамма ҳам етарли даражада талабчанлик қилаётгани йўқ. Баъзан томошабинларни чалгитадилар, ташқи ҳашамларга берилиб кетиб, охирига етказилмаган ишни бутун камолга етган иш деб кўрсатадилар. Масалан, 1962 йил чиқарилган «Ўсимликлар совуқни писанд қилмайди» деган киножурнал шундай бўлган эди. СССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар физиологияси институтида иссиқни яхши кўрадиган экинларни (бодринг, маккажўхорини) паст температурانинг узоқ таъсир кўрсатишидан муҳофаза қилиш усули ишлаб чиқилди, деб миллион-миллион томошабинларга ҳикоя қилиб берилди. Ҳақиқатда эса бу фақат лабораторияда ўтказилаётган тажрибалар эди, кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, бу тажрибалар шу вақтгача ҳам практикада ҳеч бир натижа бергани йўқ.

Бу ягона ҳодиса эмас. Баъзи киножурналларни ишлаган авторлар юмшоқроқ қилиб айтганда, ноаниқ нарсаларни кўрсатганликларини неча марталаб ушлаб олганмиз. У ёки бу хил илмий эксперимент тўғрисида экранда мароқли ҳикоя қилиб берилган бўлади. Аммо олимларнинг шу таклифлари ишлаб чиқаришга қандай жорий қилинаётганлигини айтиб беришни илтимос қилганингда бу тақдиқот охирига етказилмаганлиги ва практикага тавсия қилинадиган ҳеч бир иш йўқлиги маълум бўлиб қолади. Бу — жиноят. Ишончни суистеъмол қилаётган, ҳақиқатда бўлмаган муваффақиятларни матбуотда ва кинода пропаганда қилаётган, ҳали битмаган ишни кашфиёт деб кўрсатаётган ходимларга қарши кураш керак. Илмий билимларни, илмий муваффақиятларни пропаганда қилиш билан соф виждонли, инсофли кишилар шуғулланиши лозим.

Тўғри, баъзан ёмон ният билан қилинмаган хатолар ҳам бўлади. Мураккаб ишни кўрсатиб бермоқчи бўлган кишилар бу ишнинг моҳиятини ўзлари тушунмайдилар. Улар ҳатто илғор тажрибани яхши кўрсатаётирмиз, пропаганда қилаётирмиз деб ўйлайдилар. Лекин уларнинг ўзлари яхши деб ўйлаган нарса баъзан ҳақиқатда янгиликни жуда ноўғри кўрсатишдан иборат бўлиб қолади ва кўпинча практикага фойда етказмайди. Фан муваффақиятлари ва илғор тажриба тўғрисида кинофильмлар яратишга мутахассисларни — агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, механизаторлар, олимларни кенг равишда тортиш керак.

Бироқ, ҳатто энг яхши киножурнал ёки фильм ҳам дарсликнинг ўрнини босолмайди. Биз юқори сифатли дарсликлар яратишимиз керак, миллион-миллион кишилар хўжаликнинг у ёки бу тармоғидаги илғор кишиларнинг мисолларида юқори меҳнат унумдорлигига эришишни шу дарсликлардан ўқиб ўрганадиган бўлсинлар. Масалан, ўртоқ Светличний методи билан қанд лавлагини етиштириш тўғрисида дарслик яратиш, бу дарсликка — В. А. Светличний методи билан қанд лавлаги етиштириш дарслиги деб лўнда ном бериш керак.

Бундай дарслик бригадир, тракторчи учун тушунарли ва кўрсатмали қўлланма бўлиши лозим. Дарсликда шу тармоқда ишлаб чиқаришни юритиш практикаси тушунарли формада баён қилиб берилиши керак, токи лавлаги парвариш қилиш билан шуғулланаётган ҳар бир тракторчи, агроном, ҳар бир колхозчи ёки совхоз ишчиси шу дарсликдан фойдалана оладиган, илғор технологияни тушуниб олиб, татбиқ қила оладиган бўлсин. Лавлагини парвариш қилмоқ учун қай хилдаги машиналар кераклиги, бу машиналарни ишлатиш учун қандай тайёрлаш, тупроқни, лавлаги уруғлигини қандай тайёрлаш, қандай ўғитлаш, зараркунандалар билан қандай кураш олиб бориш кераклиги ва шу кабилар дарсликда ҳикоя қилиб берилиши лозим. Хуллас, ерни шудгор қилиш, экин майдонларини тайёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиштириб ва даладан ташиб олгунча бўладиган ишларнинг ҳаммаси кўрсатиб берилиши лозим. Бу дарсликни ўртоқ Светличнийнинг ўзи ёзадими, олим ёки агроном, бир киши ёки коллектив ёзадими, — бунинг унча аҳамияти йўқ. Аҳамияти бўлган асосий нарса шуки, дарсликни ёзган киши бу методни икки чикларигача жуда аниқ билиши ва уни кўрсатиб бера олиши, лўнда қилиб тушунтириб бера олиши керак. Бундай дарслик асосида ўқув кинофильми яратилса яхши бўлур эди. Биология жараёнларини дарсликда кўрсатиб бўлмайди, аммо буни мультипликация ёрдами билан кинофильмда яқ-қол кўрсатиб бериш мумкин. Кино ҳодисаларнинг моҳиятини очиб кўрсатишга, ўрганилаётган масалаларни яхшироқ тушуниб олишга ёрдам бера олади.

Илғор кишиларнинг тажрибаси асосида дарсликлар яратиш, шу тажрибани яхшироқ эгаллаб олишга ёрдам берадиган оммабоп кинофильмлар яратиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив равишда юритишни кадрларга ўргатишда муҳим роль ўйнайди. Агар биз битта йўлдан борадиган бўлсак — қанд лавлагини парвариш қилишни механизаторларга фақат ўртоқ Светличний мактабидагина ўқитиш билан шуғулланадиган бўлсак, — мамлакатдаги барча лавлагикорларни шундай мактабда ўқиб чиқишлари учун қанча вақт ўтишини тасаввур қилиш мумкин. Бу — жуда ҳам узоқ йўл. Шунинг учун ҳам китоб, кино илғор меҳнат методларини миллион-миллион кишиларга ўргатишдек улуғ ишга хизмат кўрсатиши лозим.

Яхши дарсликларни нақадар тезроқ яратиб бериш ва шу дарсликларга асосан одамларни ўқитиш, шу экинни етиштириш билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаммасини ўқитиш зарур. Илғор методга ҳеч бир нарса идова қилинмасин, уни «яхшилаш»нинг ҳам кераги йўқ. Баъзан шундай бўладики, турмушда, практикада синовдан ўтган нарсани «яхшилашга» урининб, уни бузиб кўйишади. Баъзан конструктор машина ёки асбобнинг чет элларда ясалган нусхасини олади-да, ўзини тутиб туролмай унга ўз билганини қўша бошлайди, «яхшилашга» тутинади, сўнгра эса шу машина кўплаб ишлаб чиқаришга берилганида натижа шундай бўлиб чиқадики, бунақа машинани ишлатиб бўлмайди ёки ишлаганда ҳам гарантияланган ва тегишли фирма тўғри гарантия берган тарзда унумли иш бермайди. Баъзи мутахассислар ва олимлар қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг илғор методларини пропаганда қилишда мана шунақа «конструкторларга» ўхшаб қоладилар. Бундай қилиш ярамайди. Одамлар энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга имкон берадиган методларни эгаллаб олиши лозим. Бунда мен ишлаб чиқаришда машҳур бўлган ходимларни ўқитиб ўргатиш тўғрисида гапираётирман.

Олий ўқув юртларида ва техникумларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўрганишни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўз умрини тугатган эски нарсаларни улоқтириб ташлаб янги, тағин ҳам мукаммал нарсалар билан қуролланиб олиш бўлажак мутахассисларга, айтиш мумкинки, ҳам қарз ҳам фарз. Профессорлар ва ўқитувчилар ҳам практиклардан, бизнинг ишлаб чиқаришимизга янги, прогрессив усулларни бераётган кишилардан ўргансалар айб бўлмайди. Профессорлар, ўқитувчилар ўз предметларини гарчи чуқур билсалар ҳам, лекин баъзан уларнинг ўзлари ҳам илғор ишлаб чиқариш технологиясининг айрим усулларидан бехабар қоладилар. Бу ажабланарли бир нарса эмас. Баъзи қишлоқ хўжалик институтлари ва техникумлари, айниқса шаҳарлардаги институт ва техникумлар, турмушдан, практикадан ва ердан ажралиб қолишган. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳар бир тармоғида янги методлар, турли экинларни парвариш қилишнинг янги технологияси пайдо бўлган. Шу сабабли, масалан, маккажўхори парвариш қилишни ўртоқ Первицкий сингари кишиларнинг тажрибасини чуқур ўзлаштириб олмай туриб, ёки ғўзани парвариш қилишни ўртоқ Кўчиев методини чуқур ўзлаштириб олмай туриб, ёхуд картошка етиштиришни ўртоқ Кузнецов сингари усталарнинг тажрибасини ўзлаштириб олмай туриб, ёинки, сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришни ўртоқ Карпутцева сингари сабзаводчиларнинг тажрибасини ўзлаштириб олмай туриб ўрганиш мумкин эмас. Хўш, шу маҳсулотларни етиштиришнинг деҳқончилик усталари ва мутахассислар ишлаб чиққан технологияси олий ўқув юртларимизнинг ва техникумларимизнинг программаларида муносиб равишда акс эттирилди деб бўладими, ахир?

Фурсатни қўлдан бермай, дарсликлар яратишга киришиш керак. Бу дарсликларда назариянинг асослари билан бир қаторда у ёки бу экинни етиштириш технологияси, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг энг прогрессив методлари баён қилиб берилиши лозим. Бу ишда шошмашошарлик қилиб, сифатга зарар етказиш ярамайди, албатта. Лекин сусткашлик ҳам қилмаслик керак. Яхши дарсликларни ҳақиқатан ёзиб берадиган, ишнинг кўзини биладиган, ҳалол ишлайдиган авторларни топиш зарур. Дарсликлар чуқур мазмунли ва шу билан бирга оммабоп, яхши суратлар билан, схемалар билан таъминланган, керакли машиналар ва технология тўла тасвирлаб берилган бўлиши лозим.

Юқорида айтиб ўтганимдек кинодан ҳам кенг фойдаланиш керак, кино ишнинг моҳиятини тагин ҳам яққолроқ ва тушунарли қилиб кўрсатиб бера олади. Кинофильмни яратишга ё шу кинофильмда тасвирланган методнинг автори раҳбарлик қилиши (шундай қилиш жуда яхши бўлади) ёки дарслик авторлари раҳбарлик қилиши лозим. Шундай қилинганида кинорежиссер назарида характерли бўлиб кўринмаган, лекин у ёки бу хил қишлоқ хўжалик экинини етиштириш учун катта аҳамияти бўлган майда-чуйда деб аталган нарсаларнинг ҳаммаси тушиб қолмайди, йўқ бўлиб кетмайди, назардан четда қолмайди.

Яхши дарсликлар ва ўқув кинофильмларини қисқа муддат ичида яратиш учун имкониятимиз бор. Лекин бу ишда ўзибўларчиликка йўл қўймаслик ҳар бир республика, ҳар бир ўлка, ҳар бир область ўзининг ўқув кинофильмларини алоҳида-алоҳида тайёрлаш билан шуғулланмаслиги керак.

Ягона бир планни ўйлаб тузиш, қайси республика ёки область қандай дарсликлар ва ўқув кинофильмлари яратиши лозимлигини белгилаб қўйиш, авторларни танлаб олиб уларга йўл-йўриқ кўрсатиш керак. Шундай қилинганида бир иш бир неча марта такрорланмайди, моддий сарфлар камроқ бўлади, вақт камроқ кетади. Бундай ҳолда кўп миқдордаги ёки ҳатто барча қишлоқ хўжалик экинларини қамраб олиш, шу экинларнинг ҳар бири ҳақида дарсликлар ва кинофильмларни тезроқ тайёрлаш мумкин.

Яхши дарсликлар яратиш — ишнинг фақат бир томони, холос. Биз оммавий кадрларни, шунингдек мутахассисларни ва раҳбар ходимларни ўқитишнинг бутун системасини ўйлаб кўришимиз лозим.

Чамамда, маккажўхори, қанд лавлаги, ғўза, картошка, сабзавот ва бошқа энг муҳим экинларни парвариш қилаётган одамларнинг ҳаммасини курсларда ўқитиш, уларга, айтишим мумкинки, муайян бир ихтисосни бериш, у ёки бу экинни етиштиришга ҳақиқатан тайёрландилар ва бу ишни биладилар, тупроқни ишлаш, уруғликларни тайёрлаш, ўғитларни қўлланиш усулларини ва шу кабиларни биладилар деб уларнинг қўлига аттестат бериш керак.

Хуллас, улар ўзларига топширилган масалада билармон кишилар бўлишлари, ўз ишларини, илғор тажрибанинг энг яхши намуналари ва фан муваффақиятларини ипидан-игнасигача билишлари лозим.

Ҳозирги замон шароитида механизатор агротехникани билиши, химия тўғрисида, у ёки бу экинни парвариш қилиш учун ишлатиладиган ўғитлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. У техникани мукаммал билиши, фақат тракторнигина эмас, шу билан бирга ўзи парвариш қилаётган экинни ўстириш учун зарур қишлоқ хўжалик қуролларининг бутун комплексини ҳам мукаммал билиши лозим, албатта.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари, шу жумладан олий ўқув юртларини тамомлаб чиққан ходимларнинг ҳам ўзлари ишлаб турган зонадаги колхозларда етиштирилаётган асосий экинларга доир илғор метод ва фан муваффақиятларини қанчалик билишларини, албатта, текшириб кўриш, ўзига хос имтиҳондан ўтказиш керак. Ўзлари мутахассис бўлмай туриб, ишлаб чиқариш бошқармасига тасодифий ўтиб қолган ходимларни эса ё алмаштириш керак (биз да махсус қишлоқ хўжалик таълими олган одамлар етарли бор), ёки агар ўқиб ўрганишни истасалар ва ўқиб ўргана олсалар, уларнинг муайян муддатда зарур билимларни ўрганиб олишларини шарт қилиб қўйиш керак. Ишни билмайдиган, лекин ўзларини билармон қилиб кўрсатишга уринган, маҳмадоналик ва сафсатабозлик қилиб, бошқаларга ақл ўргатмоқчи бўлган, аслида эса ўзи нодон бўлган олифталарни асло иш тепасида қолдирмаслик керак.

Бу гаплар бориб тегадиган ўртоқлар мени тўғри тушунсинлар ва бундай дангал гапларни айтаётганим учун мени кечирсинлар. Бу масала одамлар ўртасидаги назокатли муносабатлар масаласи эмас, балки катта ижтимоий, партиявий ишдир. Халқимиз коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтирмоқ учун курашмоқда. Бу эса ҳар бир мутахассиснинг, ҳар бир раҳбарнинг ўзига топширган ишни мукаммал билишини талаб қилади.

Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик бўлими жойларда бу ишни амалда қандай ўтказиш кераклигини ўйлаб чиқиб, таклифлар киритиши лозим.

Хўжаликни юритишнинг интенсив формаларига ўтилаётган, мамлакат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига каттакатта маблағ сарфлаётган ҳозирги вақтда биз мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари олдига каттароқ талаблар қўйишга ҳақлимиз. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш — аввало хўжаликни ихтисослаштириш, минерал ўғитларни кенг қўлланиш, комплекс механизациялаш демакдир. Машиналарни, ўғитларни билмаган, улардан қандай фойдаланишни билмаган, ўзи экадиган экинни қандай ўстиришни билмаган киши бунинг оқибатлари — нима бўлиб чиқишини пайкаб олиши қийин эмас. Бундай киши яхши ҳосил олмайди ва натижада колхоз, совхоз, давлат манфаатларига бевосита зарар етказади.

Бундай ходим ҳали ҳам эски одат таъсиридан қутулмаган кишидир, у ерни тимдалаб, дон сепади-ю, ҳосил унармикан ёки унмасмикан, деб кутиб ўтира беради. Бундай ҳолларда хўжалик кўпинча паст ҳосил олади, меҳнатга оз ҳақ тўлайди, кам маҳсулот етиштиради. Мўл ҳосил етиштирмоқ, сарфланган маблағга яраша яхши натижа олмоқ учун (шундай қилинмаса интенсив хўжалик бўлмайди) билимларни ўрганиб олиш, ишлаб чиқаришни ҳозирги замон даражасида ташкил эта билиш керак.

Кадрларни қайтадан тайёрлаш системаси қандай бўлиши лозимлигини республикаларда, ўлкаларда ва областларда ўйлаб кўришлари керак. Бизга бир йил ёки икки йилга мўлжалланмаган шундай система жуда ҳам зарур. Бундай система доимий бўлиши лозим, чунки мутахассисларнинг малакасини ошириш қисқа вақт ичида ўтказиладиган кампания эмас. Қандай мутахассисларни қайси муддатда, қанча ва қаерда тайёрлаш зарур? Чамамда, бу ишни область курслари бажариши лозим. Мутахассисларни қайта тайёрлашни ҳар бир ишлаб чиқариш бошқармасида ташкил қилишнинг имкони бўлмаса керак. Бундай курслар, қоида тариқасида совхозда, тажриба станциясида ташкил қилиниши лозим, аммо асло область марказида ўтказилмаслиги керак.

Булар курслар ёки мактаблар деб аталадими, буни билмайман. Эҳтимолки, булар амалий тажрибаси бўлган, хўжаликларда ишлаб турган, лекин билимга муҳтож кишиларнинг малакасини ошириш ёки шундай кишиларни қайта тайёрлаш курслари бўлиши мумкин. Бу курслар ишлаган мутахассислар тайёрлайдиган мактаб эмас. Бу курслар мутахассисларга энг замонавий билимларни беришни ўзига мақсад қилиб олган ва кадрларни қайта тарбиялаш билан шуғулланадиган курслар бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришда машғул бўлган мутахассисларнинг малакасини ошириш чорасини кўриш билан бирга ўқув юртларида кадрлар тайёрлашга нисбатан юқорироқ талаблар қўйишга ҳам мажбурмиз. Юқорида айтиб ўтганимдек, институтларнинг ўқув программалари янги, илғор тажрибаларга ўзида акс эттириши, ҳамиша янгиланиб туриши лозим, ўқитувчилар ёзиб қўйилганига анча вақт бўлганлиги сабабли саргайиб кетган, варақлана бериб йиртилиб кетган эски тезисларга қараб лекция ўқимасликлари керак. Афсуски, шундай лекторлар бор.

Фан ва практиканинг ҳозирги ҳолатини акс эттирувчи материални баён қилиб берган лекциягина ҳақиқатан марқали лекция бўлади, ўқувчиларга катта фойда келтиради ва лекторнинг ўзини ҳам мамнун қилади.

Партия қишлоқ хўжалигини янги асосда қуриш, уни интенсивлаш вазифасини қўйди. Бунинг учун кадрларни ҳам шунга яраша ўқитиш ва ўргатиш керак. Яхши тайёрланган мутахассислар, механизаторлар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари бўлган тақдирдагина ҳозир давлат бераётган моддий маблағлардан самарали фойдаланиш мумкин. Давлат эса жуда катта маблағлар бермоқда. Қишлоқ хўжалигига керакли химиянь ривожлантириш учунгина етти йил ичида 10,5 миллиард сўм сарфланади. Бу илгари кўзда тутилмаган янги маблағлардир. Колхозлар ва совхозларнинг ўзидаги имкониятлар кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг 39 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондлари бор. Бу миллиардлар яхши дивидендлар бериши, яъни социалистик жамиятимизга яхши самара бериши учун маблағлардан оқилона фойдалана оладиган ва мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турлари билан таъминлай оладиган ўқимишли, яхши тайёрланган маданий кадрларимиз бўлиши керак. Мен ўйлаб кўрмоқчи бўлган биринчи масала мана шу.

Чорвачилик маҳсулоти етиштириш саноат тарзида ташкил қилинсин

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш тўғрисида баъзи масалаларни қўймоқчиман. 1953 йилдан бўён ўтган давр ичида биз жамоат чорвачилигини ривожлантиришда кўпгина натижаларга эришдик. Буни ҳамма, ҳатто, мухолифларимиз ҳам эътироф этмоқда. АҚШ қишлоқ хўжалик министрлиги яқинда «Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги» деган доклад эълон қилди. Министрлик бизнинг мамлакатимиз эришган ютуқларни тан олишга мажбур бўлди Бу докладда «сўнгги йилларда СССРда чорва сони АҚШдагига нисбатан анча кўпайди. Чорва моллар туёғининг ўсиши салмоқли даражага етиб қолди»,— дейилади. Докладда қуйидаги рақамлар келтирилади:

1950 йилдан 1962 йилгача бўлган даврда АҚШ ва СССРда чорва моллар туёғининг ўсиши
(миллион бош ҳисобида)

Йиллар	Қорамолнинг ҳаммаси		Сғрин сигирлар		Чўчқалар		Қўйлар	
	АҚШ	СССР	АҚШ	СССР	АҚШ	СССР	АҚШ	СССР
1950	78,0	58,1	23,9	24,6	58,9	22,2	29,8	77,6
1951	82,1	57,1	23,6	24,3	62,3	24,4	30,6	82,6
1952	88,1	58,8	23,1	24,9	62,1	27,1	32,0	90,5
1953	94,2	56,8	23,5	24,3	51,8	28,5	31,9	94,3
1954	95,7	55,8	23,9	25,2	45,1	33,3	31,4	99,8
1955	96,6	56,7	23,5	26,4	50,5	30,9	31,6	99,0
1956	95,9	58,8	22,9	27,7	55,4	34,0	31,2	103,3
1957	92,9	61,4	22,3	29,0	51,9	40,8	30,7	108,2
1958	91,2	66,8	21,3	31,4	51,5	44,3	31,2	120,2
1959	93,3	70,8	20,1	33,3	58,0	48,7	32,6	129,9
1960	96,2	74,2	19,5	33,9	59,0	53,4	33,2	136,1
1961	97,3	75,8	19,3	34,8	55,4	58,7	33,0	133,0
1962	99,5	82,1	19,2	36,3	57,0	66,7	31,4	137,5

Бу жуда маънадор рақамлардир. Ана шу рақамлар партия чорвачилик соҳасида олиб борган жуда катта ишни акс эттириб турибди.

Ҳозир колхоз ва совхозлар гўшт ва сут етиштиришни тез кўпайтиришни таъминлаш имконини берадиган даражада урғочи ҳайвонларга эгадирлар.

Ана шу йиллар мобайнида бизда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайганлиги ҳам АҚШ қишлоқ хўжалик министрлигининг докладида қайд қилиб ўтилади. Бу ҳам чакки эътироф эмас.

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қандай кўпайганлигини кўрсатувчи рақамлар ўзларингизга маълум. Шу рақамларни эслатиб ўтмоқчиман.

Етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари

	1953 йил	1963 йил
Сўйилган вазнда гўшт — миллион тонна	5,8	10,2
Сут — миллион тонна	36,5	61,2
Тухум — миллиард дона	16,1	28,8
Жун — минг тонна	235	374

Маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш кўпайтирилганлиги учун шу асосда аҳолига чорва маҳсулотлари ҳам кўпроқ сотила бошлади. Мана шунга оид баъзи рақамлар.

Аҳолига сотилган чорвачилик маҳсулотлари

	1953 йил	1963 йил
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари — минг тонна	1.757	4.986
Сут ва сут маҳсулотлари — минг тонна	1.980	10.113
Сариёғ — минг тонна	330	622
Тухум — миллиард дона	2,0	7,3

Эндиликда жамоат чорвачилиги аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Аммо, бизда чорвачилик қандай олиб борилаётганига, ҳар центнер гўшт, сутга қанча меҳнат ва ем-хашак сарфланаётганига назар ташласак, бу соҳада жиддий орқада қолаётганлигимизни кўриш қийин эмас. Кўпгина колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил қилиш ҳали паст даражада бўлиб, мавжуд имкониятларга мос келмаяпти.

Ем-хашак етиштириш, ем-хашакнинг сифати, ундан фойдаланиш — чорвачилик қай даражада интенсив бошқарилаётганлигини кўрсатувчи энг муҳим мезондир. Шуни асос қилиб оладиган бўлсак, қолоқлигимиз дарров билиниб қолади. Биз кўпгина илғор хўжаликларнинг ишини анализ қилиб кўрдик, улар ем-хашакдан қандай фойдаланаётганини назардан ўтказдик. Шунда маҳсулот бирлигига ем-хашак ғоят ортиқча сарфлаб юборилаётганига ишонч ҳосил қилдик. Ана шу ортиқча сарфланаётган ем-хашак мамлакатдаги ҳамма колхоз ва совхозларда қанча бўлаётганини ҳисоблаб кўрсак, жуда катта рақам ҳосил бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳатто колхоз ва совхозларда ҳозир мавжуд бўлган ем-хашак билан ҳам анча кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш мумкин.

Зотан бизда бир килограмм чўчқа гўшти етиштиришга 10-12 озуқа бирлиги, яъни нормада талаб қилинганига нисбатан икки баравар кўп ем-хашак сарфланмоқда. Қорамол ва паррандаларни семиртириб боқишга, сут етиштиришга ҳам ем-хашак ана шу зайлда ортиқча сарфлаб юборилмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг чорвачилик маҳсулотларини кам етиштириб келаётганига бир томондан, уларнинг етарли миқдорда ем-хашаги йўқлиги сабаб бўлса, иккинчи томондан, ўз қўлида бўлган ем-хашакдан рационал фойдаланмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Чорвани бир килограмм семиртиришга биз Америка фермаларидагига нисбатан кўпроқ ем-хашак сарфлаётганимизни бундан илгари ҳам айтиб ўтган эдим. Боқиб парваришлаш ёмон ташкил қилинганлиги орқасида чорва молларни бўрдоқи қилиш даври ҳам Америка фермаларидагига нисбатан чўзилиб кетиб, анча кўп вақтни олиб қўймоқда. Натижада, аммо дон ташиш осонроқдир. Тухум ташиш учун махсус идишлар керак, узоқроқ жойларга ташилганда эса тухумни айнитиб қўймаслик учун муҳоналар ҳам керак. Госплан экономистлари шундай ҳисоб қилиб кўришди Бир миллиард дона тухум етиштиришга чиқиб кўрганда, Шимолий Кавказ районларидан Москва атрофидаги паррандачилик фабрикаларига дон ташиб келишга 2 миллион сўм пул сарфлаш лозим бўлар экан. Бир миллиард дона тухумни, масалан, Ставрополь ўлкасидан Москвага олиб келиш учун эса 13 миллион сўм сарфлаш керак бўлади.

Парранда гўшти етиштириш тўғрисида ҳам худди шундай рейиш мумкин. Москва атрофидаги бройлер фабрикаларига бошқа жойдан ем-хашак олиб келишга транспорт ва бошқа йўл харажатлари бир тонна гўшт ҳисобига 60 сўм бўлади, гўштни бошқа ёқдан келтирганда эса бу харажатлар 150 сўм бўлади.

Паррандачилик фабрикаларини қуриш ва жойлаштириш вақтида Америкадаги йирик паррандачилик тажрибасидан фойдаланиш лозим. Америкада тухум етиштириш одатда йирик паррандачилик фабрикаларида марказлаштирилган, шундай фабрикаларнинг баъзилари йилига 250 миллион донадан тухум беради. Бундай фабрикалар истеъмолчига яқинроқ жойлаштирилади. Биз ҳам паррандачилик фабрикаларини йирик шаҳарлар ва саноат марказлари яқинига жойлаштиришимиз лозим бўладигачча ўхшайди. Узоқ масофаларга тухум ва парранда гўшти ташиб юргандан кўра, ем-хашак олиб келган маъқулроқ; бу қулайроқ ва арзонроқ бўлади.

Иш манфаатлари республикаларда паррандачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаштиришни талаб қилмоқда. Иттифоқ Госплани бу тармоқни мамлакат миқёсида планлаштирмоғи керак.

Ҳатто, ишлаб чиқаришни ташкил этишда жиддий камчиликлар мавжуд бўлган ҳозирги вақтда ҳам, йирик паррандачилик фабрикалари бераётган тухум ихтисослаштирилмаган хўжаликлардагига нисбатан икки баравар арзон бўлмоқда. «Южний» совхозидаги ўртоқ Бибик бригадасида мингта тухумнинг таннархи 54 сўм, умуман совхозда 56 сўм, Москва ёнидаги Глебов паррандачилик фабрикасида 58 сўм бўлди. Айни бир маҳалда ишлаб чиқаришни ихтисослаштирмаган кўпчилик хўжаликларда мингта тухум 100-120 сўмга тушяпти.

Шундай катта чиқимларга йўл қўйишимизнинг нима кераги бор? — деган савол туғилади. Ахир, бундай қолоқ ишлаб чиқаришдан оқибат натижада давлат, истеъмолчилар зарар кўряпти-ку.

«Баболна» давлат хўжалигидаги бройлер фабрикасида (Венгрия) бир килограмм парранда гўшти учун 2,7 килограмм ем сарфланмоқда. Бизнинг Қрим областидаги «Красний» совхозимизда эса, ҳар килограмм парранда гўштига 3,5 килограмм ем сарфланяпти. Ем-хашакни ортиқча сарфлаб юборяётган бройлер фабрикаларимизни бундан илгариги докладимда танқид қилган эдим.

(Давоми учинчи бетда).

ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТААЛЛУҚЛИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда).

Биз Америка Қўшма Штатларидан бройлер фабрикасининг ускуналарини сотиб олдик. Хўш, бизнинг хўжалигимиз нима учун АҚШ йирик паррандачилик хўжаликларига нисбатан пастроқ кўрсаткичларга эришяпти? АҚШда ҳар килограмм гўшт учун 2,02 килограмм ем сарфланса, бизда 3,5 килограмм сарфланяпти. Бунга сабаб шуки, биздаги ем-хашакнинг сифати ёмон, ем-хашак таркибида зарур озуқа моддалари йўқ. Махсус аралаш емлар тайёрлаб берадиган корхоналар қуришни йўлга қўйиш, паррандаларга энг кўп миқдорда тухум қилиш зарур бўлган, парранда гўшти етиштириш тўғрисида гап борганида эса паррандаларнинг яхши семириши учун зарур бўлган ҳамма озуқа моддаларини бериш керак.

Модомики капиталистлар юксак натижаларга эришаётган экан, биз ўшалар ишлатаётган техника ускуналарини ишлатиб, ўшалар қўлланаётган парваришлаш ва боқиш усулларини қўлланганимиздан кейин, ишимиздаги кўрсаткичлар ҳам улардикидан қолишмайдиган бўлиши керак. Бордию, пастроқ натижаларга эришаётган бўлсак, бунга ишнинг яхши ташкил этилмаганлиги сабабдир. Биз капиталистик мамлакатларда яратилган ҳамма прогрессив нарсаларни ўз хўжалигимизга кўчиришимиз лозим. Бунинг ҳеч уятли ери йўқ. Бу нарса ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этишга фойда беради, холос.

Ҳамма нарсани кўпроқ диққат билан кўздан кечириш, қайси ускуналар самаралироқ эканини — венгер ўртоқлар Германия Федератив Республикасидан сотиб олган немис ускуналари самаралироқми, ёки Америка ускуналари самаралироқми — ана шуни таққослаб кўриш керак. Фирманинг рекламаларига қараб ҳукм чиқарганда, Америка ускуналарининг иши унумлироқ кўринади. Лекин тақрор айтаманки, ҳамма нарсани ҳисоблаб кўриш, ўрганиб чиқиш лозим.

Куркаларни тағин ҳам кенгроқ қўламда кўпайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Бизда ана шу паррандага ихлос қўйган жонкуярлар бор. Улар курка етиштириш манфаатли эканини исбот қилишяпти. Курка гўшти жуда даззатли бўлади. Ҳамма маҳсулотларда тухум ва товуқ гўшти етиштириб келиняпти, ўрдак гўшти бунга қараганда камроқ етиштириляпти, чунки ўрдак гўшти парҳезли таом эмас, уни ишкибоз одамлар ейди, курка гўшти эса парҳезли таомдир.

Мамлакатимизнинг баъзи районларида кўп миқдорда курка боқиб катта қилаётган хўжаликлар бор. Киев областидаги Старинская паррандачилик фабрикаси ўтган йили 250 мингта курка етиштирди. Аммо, бундай хўжаликлар ҳали оз.

Биз паррандачиликни бошқаришнинг бутун системасини мукаммал ишлаб чиқишимиз, тухум ва парранда гўшти етиштиришни саноат тарзида ташкил қилишимиз керак.

Ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ, қанча капитал маблағ керак бўлишини, ана шу маблағлар қандай самара беришини ҳисоблаб кўриш лозим.

Бу иш давлат учун катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, паррандачилик фабрикалари қурилишини СССР Госстройининг қурилиш ташкилотлари зиммасига топширилса, яхши бўлур эди, шунинг натижасида ана шу фабрикалар индустриал қурилиш тарзида қисқа вақт ичида барпо этилган бўлур эди.

Илмий муассасаларнинг иши муайян бир мақсадни кўзлаган ва самаралироқ қилиб қурилиши лозим. Паррандачилик соҳасидаги институтларимиз назардан четда қолди ва афсуски, ишлаб чиқаришга қимматли тавсияларни кам ишлаб бермоқда. Қачон шу тармоққа қўл урмайлик, нуқул чет эл практикасига мурожаат қилишга мажбурмиз. Бу, институтлардаги ходимлар ишлаб чиқариш билан етарли даражада боғланмаганликларини кўрсатиб турибди. Уларнинг ўз ишлаб чиқариш базаси паррандачиликни ташкил этишнинг ҳозирги савиясига мос эмас. Чамаси паррандачилик билан шуғулланадиган йирик илмий марказ вужудга келтириб, илмий ишларнигина эмас, балки кадрлар тайёрлашни ҳам ана шу марказга тўплашимиз лозим бўладиганга ўхшайди.

Чўҳқа гўшти етиштиришни ҳам ихтисослаштириш ва концентрациялаш керак. Чўҳқачилик ҳам — мен чўҳқаларни бўрдоқи қилишни назарда тутаман — саноат тарзида йўлга қўйилиши мумкин.

Америкадаги бир фирманинг эгаси Жорж А. Финли жаноблари яқинда мамлакатимизга келиб кетди. У ҳозирги вақтда АҚШда чўҳқа етиштириш ихтисослаштирилган йирик бўрдоқичилик корхоналарида марказлаштирилганлигини айтиб берди. Ана шу корхоналар учун технология, аралаш емлар рецептураси, ҳамма ишларни механизациялаштириш имконини берадиган тегишли ускуналар ишлаб чиқилган. А. Финли чўҳқа гўшти етиштирадиган фабрика сотиб олишни бизга таклиф қилди. Ана шу фабрикада чўҳқаларни бўрдоқига боқиш технологияси қуйидагичадир:

— иш унуми — йилига 250 минг чўҳқа;

— бўрдоқига боқиш муддати — вазни 100 килограммга етгунча 165-175 кун.

Чўҳқаларни боқиш ва бўрдоқи қилиш қуйидаги уч даврга бўлинади:

1- давр — чўҳқа болалари тегишли рацион асосида боқилиб, 45-55 кун парвариш қилинади;

2- давр — тегишли рацион асосида ва чекланмаган миқдорда ем-хашак бериб, 60 кун мобайнида интенсив равишда бўрдоқига боқилади;

3- давр — чекланган рационлар асосида 60 кун мобайнида бўрдоқига боқилади.

Бўрдоқига боқишнинг учинчи босқичида рационларни чеклаб қўйишдан мақсад шуки, ана шу даврда рационларнинг чекланмаган бўлиши иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас. Бу даврга келиб, чўҳқа еган ем-хашагига нисбатан камроқ семиради, камроқ эт олади.

Протеин ва бошқа моддалар тўла бараварлаштириб борилса, чўҳқаларнинг ҳар қилограмм семиришига ана шу технологияга асосан 3 килограмм ем-хашак сарфланади. Бир центнер чўҳқа гўшти етиштиришга бир соату 20 минут вақт сарф бўлади.

Чўҳқаларни бўрдоқига боқишни ташкил этиш худди бройлер етиштиришга ўхшайди. Чўҳқа боласини парвариш қилишдан тортиб тайёр маҳсулотни ветчина, бекон ёки оддий чўҳқа гўшти шаклида қоғозга ўрашгача бўлган ҳамма ишлар фабриканинг ўзида қилинади.

Фабриканинг аралаш ем тайёрлайдиган цехи, кушхонаси ва музхонаси бор.

Ҳамма чиқиндилар кушхонадан утиллаштириш цехига ўтади, бу цехда бир қисми озуқа қилиб, бир қисми ўғит тариқасида қайта ишланади. Ҳар куни кушхонага мингта чўҳқа келиб туради.

250 минг чўҳқа боқадиган фабрикага атиги 126 киши хизмат қилади, шунинг ичида аралаш ем тайёрловчи завод ишчилари ва ветеринария хизматчилари, илмий ходимлар ҳам бор. Конкретроқ қилиб гапирадиган бўлсак, фабрикада қуйидаги одамлар ишлайди:

Бошқарувчи	— 1
Ветеринар	— 1
Ветеринар ёрдамчилари	— 3
Бўғоз чўҳқалар турадиган бино хизматчилари	— 21
болалаган чўҳқалар турувчи бино хизматчилари	— 42
чўҳқа болалари парвариш қилинадиган бино хизматчилари	— 8
чўҳқалар бўрдоқига боқиладиган бино хизматчилари	— 8
Стерлизация бригадаси	— 3
Чўҳқаларни жўнатиб турувчи бригада	— 3
Ҳар хил ишларни бажарувчи бригада	— 3
Техникага хизмат кўрсатувчилар	— 2
Тўғнизларни парвариш қилувчилар	— 2
Шифохона	— 1
Илмий тадқиқотлар	— 2
Аралаш ем заводи (икки сменали)	— 12
Ем-хашак ташийдиган юк машиналарининг шоферлари	— 4
Гўнг чиқаришда	— 10

Шу нарса характерлики, бўрдоқига боқишнинг ўзида атиги 8 киши ишлайди, холос. Кўриб турибсизки, чўҳқа гўшти етиштириш ҳақиқатан ҳам саноат тарзида йўлга қўйилган.

Биз чўҳқа гўшти етиштиришни бир оз бошқачароқ ташкил қилсак керак. Америкаликлар бўрдоқичиликда кўпроқ қуруқ ем-хашаклардан фойдаланишяпти, бу эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш — ем-хашакни тайёрлаш ва чўҳқаларга тарқатиш, бинони тозалаш ва шу каби бошқа ишларни механизациялаштириш жиҳатидан яхшироқ самара беряпти. Биз чўҳқаларни бўрдоқи қилишда фақат доннинг ўзидан фойдаланмай, шу билан бирга, картошкадан, лавлагидан ва бошқа ширали озуқалардан фойдаланяпмиз. Доннинг етишмаслигини назарда тутиб, бундан буён ҳам чўҳқаларни боқиш учун қанд лавлаги, картошка, сабзини тағин ҳам кўпроқ етиштиришимизга, бўрдоқи қилишда аралаш силосдан кўпроқ фойдаланишимизга тўғри келадиганга ўхшайди.

Дон етиштириш кўпайган сайин чўҳқаларни бўрдоқи қилишда едириладиган аралаш емлар салмоғи ҳам кўпайиб бораверади. Чўҳқаларни қуруқ ем бериб, яъни дон бериб боқиш энг фойдали усулга ўхшаб турибди. Балки донн етарли бўлган хўжаликларда ҳозир ҳам чўҳқаларни қуруқ ем бериб, бўрдоқига боқиш яхши бўлар. Ҳар хил ем-хашакдан фойдаланиб, чўҳқа гўшти етиштириш иқтисодий жиҳатдан қандай самара беришини ҳисоблаб кўриш лозим.

Чўҳқаларни боқиш учун энг самарали бўлган аралаш емларнинг рецептларини тузиб олиш ҳамда ана шундай емлар тайёрлашни йўлга қўйиш, гўштбоп, беконбоп ва ёғбоп бўрдоқи чўҳқалар учун қаерда, қайси зоналарда, қандай емлар асосий озуқа бўлишини белгилаб қўйиш зарур. Гўштбоп чўҳқачилик зонасини белгилаб олиш, чўҳқа болаларини парваришлаб, бўрдоқичилик хўжаликларга етказиб бериб турадиган репродукциячи хўжаликлар барпо этиш керак. Энг кам ем-хашак ва меҳнат сарфлаб, кўпроқ самарага эга бўлмоқ учун бу ишда ҳам энг яхши намуналарни, энг тежамли усулларни асос қилиб олиш лозим. Бўрдоқичиликнинг йўналишига қараб, чўҳқа гўшти етиштириш технологиясининг битта, иккита ёки учта технологиясини олиб, ана шунга амал қилиш керак, токи ўзбошимчаликка ўрин қолмасин, ҳар бир колхоз раиси, ҳар бир совхоз директори кустарчилик билан иш тутиб, чорвачиликни бошқариш усулларини ихтиро қилиб юрмасин ва оқибат натижада ишлаб чиқаришни ташкил этиш савияси пасайиб кетмасин.

Чўҳқачиликни саноат тарзида ташкил этишда олимлар зиммасига катта масъулият юклатилади, олимлар ўз тавсияларини беришлари, бу тавсиялар тажриба синовидан ўтган ва тажрибада тасдиқланган бўлиши шарт.

Хуллас, экономикани ипидан игнасигача чуқур муҳокамадан ўтказиш, ҳам ўз тажрибамизни, ҳам чет элларнинг — Америка Қўшма Штатлари, Англия, Германия Демократик Республикаси, Ғарбий Германия, Франция гўшти етиштиришда юксак даражага эришган бошқа баъзи мамлакатларнинг энг яхши тажрибасини асос қилиб олиш керак.

Паррандачиликда ҳам, шунингдек, чўҳқачиликда ҳам наслчилик ишига, гибридлаштиришга, насларо чатиштиришга жиддий эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг ана шу тармоқларини самаралироқ бошқармоқ учун химия, биология, бутун қишлоқ хўжалик фани ютуқларидан фойдаланиш керак.

Ихтисослаштиришни қишлоқ хўжалигидаги сут-гўшт чорвачилиги сингари энг муҳим тармоққа ҳам татбиқ этиш лозим. Биз ихтисослаштирилган сутчилик совхозлари ташкил қилиб, уларни ривожлантиряпмиз. Колхозларда ҳам ихтисослаштириш йўлидан бориш, гўшт ва сут етиштириш учун ҳар қайси зонадаги энг яхши шарт-шароитлардан фойдаланиш керак. Ташкилий жиҳатдан, яъни раҳбарлик қилиш маъносида, сут ва гўшт чорвачилигини битта бошқармада марказлаштириш лозим бўладиганга ўхшайди. Шу тармоқнинг мураккаблигини ҳам назарда тутиш керак. Зоналари, тупроқлари, иқлим шароитлари жуда хилма-хил бўлган бизнинг мамлакатимизда гўшт-сут чорвачилигини ташкил этишнинг қандайдир ягона методини, ягона формасини топиш қийин. Лекин шундай бўлса ҳам, хўжалик энг кўп иқтисодий самара билан бошқарилмоғи учун ҳар қайси ишлаб чиқариш зонасига типикроқ бўлган нарсани белгилаб олиш ва чорва моллари боқиш системасини ишлаб чиқиш зарур. Бу мураккаб масала бўлиб, бунда ҳам олимлар, мутахассислар, практиклар билан бамаслаҳат иш тутиш керак.

Сут-гўшт чорвачилигини ташкил этишда фермаларга, айниқса чорва моллари бўрдоқига боқаётган фермаларга, комплекс хизмат кўрсатиш йўлидан боришга тўғри келаётганга ўхшайди. Механизаторлар ем-хашак етиштиримоқдалар, чорва моллари ҳам уларнинг ўзлари бўрдоқи қилиб боқмоқдалар.

Яхши силос бўлмаса, сигирлар кўп сут бермайди, чорва моллари силос билан таъминлайдиган кишилар эса механизаторлар. Силос тўғрисида гапирганда, шундай бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Энди силос етиштиришга жиддийроқ қарамасак бўлмайди. Силос бостириш учун махсус иншоотлар барпо этиш лозим бўладиганга ўхшайди. Масалан, Америкадаги йирик фермаларда силосни таги бетонлаштирилган траншеяларга бостирмоқдалар. Бундай траншеялардаги силос амалда тўла сақланиб қолади. Мамлакатимизнинг кўпгина колхозларида силос бостиришнинг уйиб ташлаш усули ёйилган. Бу усул арзонроқ бўлиб, ҳар қандай далада силос бостириш имконини беради. Лекин баъзи мутахассисларнинг фикрига қараганда, уйиб ташлаш усулида силоснинг 30 процентгача бўлган қисми айниб қолади. Ҳозир етарли миқдорда цементимиз бор, чамаси мустаҳкам траншеялар қуриб, силосни ана шундай траншеяларга бостириш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бундай иншоотлардаги силос кўп йилларгача тура беради, уни қуришга сарфланган пул тезда қоплаб олинади. Буларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш керак.

Сут-гўшт чорвачилигини ташкил қилишдаги мавжуд тажрибани ўрганиб, нимаики яхши нарса бўлса, ҳаммасини колхоз ва совхозларга тавсия қилиш, шароитга қараб чорва моллари боқишнинг қайси бир методи энг самарали бўлиши ҳақида маслаҳат бериш керак: бир жойда чорва моллари боғлаб боқиш самарали бўлса, иккинчи жойда ҳам боғлаб, ҳам яйловга қўйиб юбориб боқиш самарали бўлар ва ҳоказо. Масалан, Латвия, Литва, Эстониядаги кўпгина колхоз ва совхозлар ўтлатиб боқиш тартибига кўникиб қолишган ва сут чорвачилигини дуруст ташкил этишган. Лекин ҳамма нарсани амалда синаб, ҳисоблаб ва пухта ишлатиб кўриш керак, токи ҳар бир хўжалик ўз зонасида чорва моллар боқишни яхшилаш, кўпроқ сут, гўшт етиштириш имконини берувчи энг самарали методни қўлланадиган бўлсин.

Бузоқларни парвариш қилиш — сут-гўшт чорвачилигини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бизда бузоқларга соғин сут ичириш, уларни эмиздириш усули кенг қўлланилмоқда-ю, лекин сунъий сутдан деярли фойдаланилаётгани йўқ. Колхоз ва совхозлар жуда кўп миқдордаги соғин сутни бузоқларга бериб қўймоқдалар, натижада товар бўладиган сут ресурслари камайиб кетмоқда. Буларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш ҳамда хўжаликни яхшироқ бошқаришга қуруқ даъват эта бермасдан, тажриба синовидан ўтган энг яхши, ҳақиқатан илғор усулларни жорий қилиш керак. Мазкур эсна учун тавсия килинган системанинг энг қулай, тежамли ва фойдали система эканлигига хўжалик раҳбарларининг ишончи комил бўлиши лозим.

Қўйчиликни ривожлантириш тўғрисида бир неча мулоҳазаларим бор. Қўйчилик иқтисодий жиҳатдан олганда, хўжаликнинг энг манфаатли тармоқларидан биридир. Қўйчилик жун ва арзон гўшт беради. Бизнинг тажрибамиз бор, айниқса Қозоғистонда, Ўрта Осиё, Сибирда яхшигина қўйчилик хўжаликларимиз бор. Шимолий Кавказ, Украинада ҳам йирик қўйчилик хўжаликлари мавжуд. Олимлар бу тармоқда кўп ва самарали ишлар қилишди, қўйларнинг сермаҳсул зотларини яратиб беришди.

Тўғри, қўйчиликда ҳам кустарчилик кўп. Баъзи колхоз ва совхозлар қўйчиликни бир неча йиллар муқаддам қандай бошқарган бўлсалар, ҳозир ҳам шу тахлитда бошқариб келяптилар, нуқул об-ҳаво шароитининг қулай келишига кўз тутиб, зарур миқдорда ем-хашак жамғариб қўймаяптилар, бинолар қурмаяптилар. Натижада қўйчиликка катта путур етказилмоқда. Қўйчиликда, аввало ем-хашакни запас қилиб қўйиш, қўшарлар ва қудуқлар барпо этиш, яйловларни яхшилаш вазифасини ҳал қилмоқ керак.

Бизда мамлакатнинг марказий ва ғарби-шимолий районларидаги қўйчиликка нотўғри муносабатда бўлинмоқда. Бу районларда романов қўйларини урчитиб кўпайтириш учун дурустгина шарт-шароитлар бор. Романов қўйлари жуда яхши пўстинбоп тери ва жун беради. Бундан ташқари, романов қўйи серпушт бўлиб, 4 тагача қўзи туғади. Шу сабабдан, романов қўйини боқиш гўшт етиштириш учун ҳам фойдалидир. Финлар наслдор романов қўйларидан сотишимизни сўраб бизга мурожаат қилишгани бежиз эмас. Биз синтетик материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантиряпмиз. Дағал жун синтетикага қўшилса, ундан иссиқ кийимкечак тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин. Маълумки, инглизлар худди шундай қилишяпти, биз ҳам денгизчилар ва танкчиларга табиий дағал жун билан сунъий материаллардан иссиқ пўстинлар тайёрлаб беряпмиз. Қиш жуда совуқ бўладиган бизнинг шароитимизда пўстинбоп тери берувчи қўйлар боқиш айниқса муҳимдир. Романов қўйининг терисидан тикилган пўстин аслида жуда яхши бўлиб, ҳамма вақт Россияда довруқ ёйиб келган ва ҳозир ҳам таърифи зўр.

Қўйчиликда ўз системамизни ишлаб чиқишимиз ва уни тавсия этишимиз, дарсликлар яратишимиз керак, токи шу тармоқни ривожлантиришга қуруқ даъват эта бермасдан, чўпонлар тайёрлаш билан амалда шуғулланайлик, илғор усулларни жорий қилайлик.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишдаги баъзи актуал масалалар мана шулардан иборат, мен бу масалаларни хатимда баён қилишга қарор бердим. Яна бир карра шуни айтмоқчиманки, чорвачилик — қишлоқ хўжалигида мураккаб ва энг қийин тармоқ. Биз шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишимиз, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш очиб бераётган янги имкониятлардан тўғри фойдаланишимиз, бу тармоқни қандай қилиб самаралироқ тарзда қайта қуришни ўйлаб кўришимиз керак.

Бу ерда энг асосий масала — ем-хашакдир. Чорвачилик билан паррандачилик — фақат дон хўжалигининг чиқиндилари, дағал хашаклар билан, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш чиқитлари—жом, барда ва шу кабиларни ишлатиш билан бошқариладиган тармоқлардир, деган нотўғри тушунчадан қайтиш керак. Ҳозирги фермалар тухум, парранда гўшти, чўчқа гўшти, бекон, мол гўшти, сут етиштирадиган ўзига хос саноат корхоналарига айлантирилмоғи лозим. Ҳар қандай заводга хом ашё қанчалик зарур бўлса, бундай корхонага ем-хашак ҳам ана шунчалик зарурдир.

Мен СССР Госпланн ходимларидан:

— ҳар турдаги чорвачилик маҳсулотлари: мол гўшти, чўчқа гўшти, бекон, тухум, парранда гўшти (товуқ, ўрдак гўшти, шунингдек парҳезли таомлар учун жўжа гўшти) дан бизга қанча кераклигини ҳисоблаб беришни;

— турли хил гўшт етиштиришда пропорцияларни энг тўғри белгилаб чиқишни;

— шу билан бирга, аҳолининг талабини ва ем-хашакдан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олиб, гўшт етиштиришда турлар бўйича нисбатни йўлга солиб олган бошқа мамлакатларнинг тажрибасини назарда тутишни илтимос қилдим.

Госплан гўшт етиштириш соҳасида зарур даражага чиқиб олишимизни таъминламоқ учун бизга қайси ем-хашакдан қанча кераклигини ҳам ҳисоблаб бериши керак. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, паррандаларга, шунингдек чўчқаларни бўрдоқига боқаётган фабрикаларга мўлжалланган емлар қоида тариқасида аралаш шаклда тайёрлаб берилиши лозим.

Бу эса аралаш ем тайёрловчи саноатга нисбатан катта талаблар қўймоқда. Ҳозир аралаш ем заводларимиз тўйимли ем тайёрлаб бериш ўрнига ёрма қилинган дон ёки бир неча хил дон аралашмасини тайёрлаб чиқармоқда. Ҳар бир турдаги чорва моллар ва паррандалар учун озуқа элементлари бараварлаштирилган ем ишлаб чиқариш учун емга қўшиб бериладиган ҳар хил моддаларни саноат йўли билан ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ керак.

Биз ҳали донни кам етиштиряпмиз. Шу сабабдан, КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумларида химия саноатига сарфланадиган капитал маблағларни кўпайтириш тўғрисида, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси, аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси бўлган дон етиштиришни кўпайтиришга қаратилган. Дон кўп бўлса, чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун яхши база яратилган бўлади.

Аммо, мавжуд ем-хашаклардан самаралироқ фойдаланилса, чорвачиликда анча яхши натижаларга ҳозир ҳам эришиш мумкин. Йирик капиталистик хўжаликлар ва айниқса Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбий Германиядаги йирик капиталистик хўжаликлар аллақачон исботлаб қўйганидек, ем-хашакнинг самарасини кескин ошириш мумкин. Ана шу хўжаликларда бир килограмм чўчқа гўшти етиштиришга 3-5 килограмм ем-хашак сарфланаётган бўлса, бизда 10-12 килограмм сарфланмоқда. Ана бизнинг резервларимиз! Шундай қилиб, биз дон етиштиришнинг ҳозирги эришилган даражаси билан ҳам чорва маҳсулотлари етиштиришни икки баравар кўпайтиришимиз мумкин. Лекин бунинг учун чорвачилик хўжалигимизни жиддий равишда қайта қуриб олиш, майда хўжаликдан ўзимизга мерос бўлиб колган одатлардан воз кечиб, ҳамма янги нарсаларни қабул қилиш керак. Чўқаларни бўрдоқига боқадиган замонавий фабрикалар барпо этмоқ учун йирик капиталистик хўжаликлардаги чўчқа гўшти етиштириш технологиясидан ибрат олиш, уларнинг тажрибасидаги қимматли усулларнинг ҳаммасини жорий қилиш, зарур бўлиб қолса, фабрика ёки лицензиялар сотиб олиш лозим. Бу ишга кетган чиқимлар энг кўпи билан икки йилда қопланишига аминман.

Айрим иқтисодий районлар саноатининг ривожланиш истиқболларини назарда тутиб, ана шу районларда чорва маҳсулотлари ва ем-хашакка бўлган талабни белгилаб олиш керак. Энг муҳим иқтисодий районлар учун 1970 йилга бориб қанча миқдорда айрим турдаги гўшт, сут талаб қилинишини ҳисоблаб чиқиш лозим.

Мамлакат саноатининг ривожланишини ва истеъмолнинг ўсиб боришини назарда тутиб, паррандачилик фабрикаларини, чўчқаларни бўрдоқига боқадиган фабрикаларни ва сутчилик совхозларини география жиҳатдан тўғри жойлаштириб, бунда ана шу ишлаб чиқаришни маҳсулот истеъмол қилувчиларга яқинлаштиришни назарда тутиш ҳам керак.

Биз бўрдоқига боқиш ва талаб қилинган миқдорда чўчқа гўшти, мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти олиш учун зарур миқдорда ёш молларга эга бўлишимиз, бунинг учун қанча она моллар кераклигини билишимиз шарт.

Ўз-ўзидан маълумки, чорвачилик хўжалигини қайта қуриш маълум даражада моддий харажатлар қилишни талаб этади. Бу харажатларни конкретроқ белгилаб олиш: бизга аралаш ем ишлаб чиқарувчи заводлардан қанча кераклигини; тухум, парранда гўшти етиштириш, чўчқаларни бўрдоқига боқиш соҳасида қанча ва қандай фабрикалар кераклигини; шу фабрикаларни қайси районларда қуриш зарурлигини, бунга қанча маблағ талаб қилинишини ҳисоблаб чиқиш керак.

Бу масалаларнинг ҳаммасини чуқур ўрганиш, обдон ишлаб чиқиш лозим, ана шунда биз имкониятларимизни яққолроқ кўра оламиз. Чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги ҳисобларни 1970, 1975 ва 1980 йилларга мўлжаллаб тузиш керак. Чорвачилик маҳсулотларини саноат тарзида ғоят самарали йўл билан етиштиришни ташкил этиш вазифаларини ҳал қилишдаги иш ҳажмини ва конкрет йўлларни равшанроқ тасаввур қилмоқ учун келинглар, шуларнинг ҳаммасини бир тарозига солиб кўрайлик.

Янги шароитда чорвачиликка раҳбарлик практикасини тамомила қайтадан қуришимизга тўғри келади. Биз бошқариш системасини ишлаб чиқар эканмиз, чорвачиликнинг ҳамма тармоғини, чорва маҳсулотлари етиштиришнинг ҳар бир турини назарда тутмоғимиз керак.

Мисол учун саноат тарзида ташкил қилинган чўчқачиликни оламан. Чўчқачилик хўжаликларини бошқаришни қандай қуриш керак? Чамаси иттифоқ республика ёки республика чўчқачилик бошқармалари тузишга тўғри келса керак. Ана шу бошқармаларга қарашли хўжаликларда бўрдоқига боқиладиган чўчқаларни: гўштбоп, ёғбоп, беконбоп чўчқалар қилиб, турлар бўйича марказлаштиришга тўғри келади. Бунда ҳам совхозлар ва фабрикаларни бўрдоқибоп чўчқалар билан таъминлаб турувчи репродукциячи хўжаликлар бўлиши шарт.

Яна такрорламоқчиманки, чорвачиликни қайта қуришдаги бутун ишимизни ихтисослаштиришдан бошлашимиз керак. Бусиз колхоз ва совхозлар бир жойда депсиниб тура беради, чорвачиликни замонавий савияда ривожлантира олмайди.

Ҳозирги шароитда парранда гўшти, тухум, чўчқа гўшти, мол гўшти сингари маҳсулотларни етиштиришни айни саноат негизига қўйиш эса биз учун ҳаётий муҳим масаладир.

Юқорида мен ихтисослаштирилган чўчқачилик хўжаликларини бошқариш структураси тўғрисида гапирдим. Бошқа чорвачилик хўжаликларига раҳбарлик қилишда ҳам худди ана шу йўлдан бориш, ё республикаларда — маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш министрликларида — бошқармалар тузиш, ё бўлмаса парранда гўшти ва тухум етиштириш иттифоқ-республика бошқармалари ҳамда гўшт-сут хўжаликлари бошқармаси ташкил этиш керак. Чамаси, гўшт-сут хўжаликларини мол гўшти етиштирувчи хўжаликлар билан сут етиштирувчи хўжаликларга ажратиб юриш тўғри бўлмаса керак.

Иттифоқ-республика бошқармалари фан ва практика ютуқлари асосида қурилиш юзасидан, чорва моллари ва паррандаларни боқиш процессларини механизациялаш юзасидан қандайдир стандартлар, шунингдек ем-хашак рационларининг рецептларини ишлаб беришлари керак. Хўжаликда чорва маҳсулотлари — парранда гўшти, тухум, чўчқа гўшти, мол гўшти, сут етиштириш замонавий фан-техника савиясида бўлишини таъминлаш бошқармаларнинг муҳим вазифасидир ва улар бунинг учун республика ҳукумати билан Совет Иттифоқи ҳукумати олдида жавобгардирлар.

Умуман чорвачиликни яхлит ҳолда олганда, бундай структура баъзи ўртоқларнинг назарида бошқаришни тарқоқ ҳолга солиб қўяётгандай бўлиши мумкин. Лекин ихтисослаштириш шароитида бошқариш ишлари кўзга мана шундай тарқоқ бўлиб кўринади, холос. Ҳақиқатда эса бошқарманинг тарқоқ ҳолда бўлиши ихтисослаштириш амалга оширилмаган айни ҳозирги пайтда юз бермоқда, бинобарин, чорвачиликнинг ҳар бир тармоғига конкрет раҳбарлик қилиниб маяпти.

Эндиликда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни саноат тарзида йўлга қўйиш учун қулайроқ шарт-шароитлар яратилмоқда. Биз қишлоқ хўжалигини интенсивлаштирмоқдамиз, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда, ҳосилдорлик оширилмоқда, чорвачилик эҳтиёжлари учун дон етиштириш кўпайтирилмоқда.

Лекин бундан шундай маъно чиқиши керакки, биз чорвачиликда ҳам ишлаб чиқаришни интенсивлаш, механизациялаштириш, меҳнат сарфини камайтириш, ем-хашак сарфини ва шу каби чиқимларни камайтириш йўлини қаттиқ ушлашимиз зарур.

Республикалардаги ўртоқлар тилга олинган масалаларни ўйлаб кўриб, бу ҳақда ўз фикрларини айтишлари, ўз таклифларини ёзиб беришлари керак.

Колхозларни, совхозларни ва ишлаб чиқариш бошқармаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида

Яқинда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қолоқ колхозларнинг экономикасини кўтариш чоралари тўғрисида қарор қабул қилдилар. Давлат шу хўжаликларга ёрдам кўрсатиш учун жуда катта маблағ ва моддий ресурслар ажратиб берди. Лекин партия ташкилотлари, ишлаб чиқариш бошқармалари орқада қолиб келаётган ҳар бир хўжаликнинг ишини контроль қилиб турмасалар, тажрибали ташкилотчиларни танлаб қўймасалар шу ёрдамнинг ҳамма тегишли самара бермай қолиши мумкин, деган ҳавотирдаман.

Баъзи колхозлар ва совхозларнинг қолоқлигини тугатишда биз ўзимизнинг асосий куч ва ғайратимизни кадрларни танлашга, хўжалик раҳбарларини, агрономларни, зоотехникларни, бригадирларни, механизаторларни танлашга қаратишимиз лозим. Моддий воситалар — кредитлар ва шу кабиларнинг катта аҳамияти бор, албатта, лекин булар ҳали ишнинг моҳиятини ҳал қилмайди. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, пули олиб, еб тамомланади-ю, ишлаб чиқаришни кўтаришдан дарак бўлмайди. Агар кредит уддабурон ташкилотчиларнинг, яхши ходимларнинг қўлига тушса, агар кадрлар орасида қўнимсизлик бўлмаса, колхоз раислари эса ишнинг кўзини билиб, ишлаб чиқаришни малакали бошқарсалар, у ҳолда қолоқ колхозларнинг иши юришиб кетади.

Колхозлар ва совхозларнинг орқада қолиши учун ҳозир бизда объектив сабаблар йўқ, мен буни неча марталаб айтиб ўтганман ва ҳаммамиз буни эътироф қиламиз. Хўжаликни муваффақиятли ривожлантириш учун имкониятлар яратиб берилган. Шу билан бирга, у ёки бу зонадаги иқлимтупроқ шароити бир хил бўлган ҳамма колхоз ва совхозларнинг, одатда, имкониятлари ҳам бир хил бўлади. Муайян зонада давлат харид қилиб олаётган маҳсулотнинг нархларида ҳам фарқ йўқ. Аммо қолоқ колхозлари ҳаммадан кўра кўпроқ бўлган зоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари бир қанча бошқа районлардагига нисбатан анча баланд.

Мисол учун Белоруссия ССРни ва Украинанинг жанубий областларини олиб кўрайлик. Уларда айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари қуйидагича, (ҳар тоннанинг нархи сўм ҳисобида):

	Белоруссия ССР	Украина ССРнинг жанубий областлари
Буғдой	85	66
Арпа	75	51
Сут	160	124
Қорамол	1.070	940
Чўчқа	1.230	1.080

Бу — анча катта фарқ. Хўжаликни юритиш кимга оғироқ, кимга эса осонроқ бўлаётганини айтиш қийин. Украинанинг жанубидаги ерлар Белоруссиядагига қараганда яхшироқ, албатта. Аммо Белоруссияда том маъноси билан қурғоқчилик бўлмайди, Украинанинг жанубида бўладиган қурғоқчилик Белоруссияда йўқ.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харид нархлари ягона бўлсин, деган муддао билан мен бу рақамларни таққослаб кўрсатаётганим йўқ. Мамлакатимиз кенг, шароити хилма-хил ва гарчи ҳамиша ўринли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда харид нархларини маълум даражада зоналарга қараб белгилаш мумкин. Турли зоналарнинг хусусиятларига қараб, хўжаликларнинг йўналишини ўзгартириш, муайян зонанинг шароитидан яхшироқ фойдаланмоқ учун шу зонада қандай экинлар экиш, чорвачиликнинг қайси тармоқларини ривожлантириш кераклигини белгилаб бериш тўғрироқ бўлар эди. Аммо ҳозир биз айни бир маҳсулот учун бир хўжаликка камроқ, иккинчисига кўпроқ ҳақ тўламоқдамиз, аслини олганда, ишлаб чиқаришни зарар келтирадиган қилиб юритаётган хўжаликларни рағбатлантирмоқдамиз. Мисол учун, у ёки б

ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТААЛЛУҚЛИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1, 2, 3-бетларда)

Хўжаликка чинакам раҳбарлик қилинадиган бўлса, у ҳолда тўғри хулосалар чиқариш, қандай қилиб яхши ишлаш кераклигини кўрсатиб бериш, колхоз раисининг, совхоз директорининг, ишлаб чиқариш бошқармасидаги ташкилотчи инспекторнинг бевосита жавобгарлигини ошириш, яъни қўйидан то юқоригача ҳамманинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Аммо баъзан шундай ҳам бўладики, хўжалик бир неча йиллардан бери заиф ёки ўртача хўжаликлар рўйхатига кира беради, лекин унинг нима сабабдан шу рўйхатдан чиқмаётганлигини ҳеч ким билмайди. Хўжаликнинг аҳволини текшириб кўриш, синчиклаб ўрганиб чиқиш керак, бу хўжаликнинг ўртача ва айниқса зарар берадиган хўжалик бўлиб қолмай, балки юксак даражада самарали, фойда келтирадиган хўжаликка айлантирмоқ учун, эҳтимолки, унинг характерини, йўналишини ўзгартириш керак бўлар. Лекин биз бундай қилмаймиз, биз ишнинг аҳволи учун жавобгарликни талаб қилмаймиз, фақат ишнинг аҳволи қандайлигини қайд қилиб қўяқоламиз, хўжалик фойда келтирдими ёки зарар келтирдими, деб белгилаб қўйиш билангина чекланамиз, шунда ҳам бу ишни дотация беришни ёки кредитларни узиш муддатини кечиктиришни сўраб, Молия министрлигига мурожаат қилиш керак бўлиб қолган вақтдагина қиламиз.

Қолоқ хўжаликларнинг экономикасини кўтариш тўғрисида ҳисобот беришнинг қандайдир формасини колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари учун ишлаб чиқиш керак. Бундай ҳисобот хўжаликнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини очиб кўрсатиб беради, ишлаб чиқаришнинг аҳволини кўришга, хўжаликдаги ишларни яхшилашнинг конкретроқ чораларини белгилаб олишга имкон беради. Бундай ҳисобот жуда катта, мураккаб бўлмаслиги керак, албатта. Аммо ҳозирча бундай ҳисобот йўқ. Ҳисобот бўлмагандан кейин жавобгарлик ҳам бўлмайди.

Орқада қолаётган колхоз ва совхозларнинг экономикасини кўтариш вазифасини конкрет ҳал қилмоқ учун аввало кадрларни, моҳирлик билан танлаш ва тайёрлаш керак. Одамларни бир хўжаликдан иккинчи хўжаликка кўчириб қўйиш билангина чекланиш ярамайди. Совхоз директорларини, колхоз раисларини, агрономлар, зоотехниклар, трактор-чилар, комбайнчиларни тайёрлаш билан жиддий шуғулланиш керак. Бу ерда битта одам билан иш битириб бўлмайди, албатта. Агар армия тўғрисида гапириладиган бўлса, замонавий қурол мавжуд бўлган хозирги вақтда бир киши ҳам майдонда жангчи бўлиши мумкин. Колхозда ҳам битта лаёқатли ташкилотчи кўп иш қилиши мумкин. Лекин қолоқ колхозда ишлаш учун мутахассислар, механизаторлар тайёрланса, ишнинг кўзини биладиган муносиб кишилар ҳал қилувчи участкаларга қўйилса, хўжаликнинг қолоқлигини анча тез тугатиш мумкин. Шундай қилингандагина иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларни ва совхозларни кўпи билан икки-уч йил ичида илғорлар қаторига чиқариб олса бўлади. Бундай мисоллар амалда кўп.

Колхозларни йириклаштириш вақтида кўпинча орқада қолиб келган хўжаликларни илғор хўжаликлар билан бирлаштирган эдик. Бу хўжаликлар икки йил ичида илғор колхоздаги ишлаб чиқариш даражасига эришдилар. Бунга ким сабаб бўлди? Кадрлар. Қолоқ хўжаликлардаги ишлаб дарров тажрибали бригадирлар, механизаторлар қўлига ўтди. Иш ҳам юришиб кетди. Бу гапдан баъзи қолоқ хўжаликларнинг экономикасини кўтаришда уларни илғор хўжаликлар билан бирлаштириш йўлидан бораверишкерак, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Ҳамма гап кадрларда эканлигини яна бир марта таъкидламоқ учун мен бу мисолни келтираётирман. Бизда ҳамма нарса бор: одамлар, техника, моддий стимуллар бор. Яхши ташкилотчиларни танлаб олиш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма икир-чикирларини билимдонлик билан чуқур ўрганиш керак, холос. Бу эса юқори ҳосил олиш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтариш ишларининг муваффақиятли бўлишини ҳал қилади.

Биз ишлаб чиқариш бошқармалари тузиб тўғри иш қилдик. Бу янги органлар яхши иш берганликлари неча марталаб қайд қилинди. Уларнинг кўплари хўжаликка муваффақиятли раҳбарлик қилмоқда. Ишлаб чиқариш бошқармаси деган номнинг ўзи бу бошқармани кадрлар билан таъминлашга диққат ва эътибор билан қарашга мажбур қилади. Бу ҳақиқатан ишлаб чиқаришни бошқаришдир, унда ишлайдиган одамлар ҳам аввало, хўжаликнинг муайян тармоғини чуқур биладиган кишилар бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик практикасини чуқурроқ анализ қилсак, шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирча бу раҳбарлик колхоз-совхоз тузилишининг биринчи йилларидаги раҳбарлик услубидан кам фарқ қилади. Ҳақиқатда колхозларимиз ва совхозларимизни бошқариш уларга ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларига доир конкрет кўрсатмалар бериш, муайян вақтга топшириқлар бериш, шу кўрсатмалар ва топшириқларнинг бажарилганлигини текшириб туриш тариқасида бўлаётгани йўқ.

Хўш, хўжаликка раҳбарлик қилишда нега шундай конкрет амалий иш қилинаётгани йўқ? Гап шундаки, бизнинг қишлоқ хўжалигимиз асосан колхоз хўжалиги тариқасида ташкил топган, колхозлар эса — кооперативлар, деҳқонларнинг ижтимоий бирлашмаларидир, улар ҳукумат, давлат органлари олдида ҳисоб бермайдилар, улардаги ишлаб чиқаришга ҳеч ким аралашган эмас. Кўп йиллардан бери колхозларга умумий характердаги, йўналиши умумий бўлган директивалар берилиб келди, колхозларнинг раҳбарлари шунга одатланиб қолдилар. Аслини олганда колхозлар ҳеч кимнинг олдида ҳисоб берган эмас ва ҳозир ҳам ҳисоб бераётгани йўқ. Маҳсулотлар етиштиришни ташкил этишнинг конкрет масалаларини акс эттирадиган ҳисобга олишнинг ҳам ягона формалари бўлмаса керак.

Бунга илова қилиб шуни айтиб қўйяки, дон хўжалигида, техника экинларини ўстиришда, шунингдек паррандачилик ва чорвачиликда маҳсулот етиштиришнинг моромига етказилган ва амалда синаб кўрилган усуллари, ягона тавсиялар йўқ. Бу ишда ҳар бир колхоз ўзига-ўзи, хўжайин кўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўзига хос анархия мавжуд: колхоз ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва ишлаб чиқаришни ўзи билганича юрита беради.

Якка хўжалик шароитида эҳтимолки, шундай бўлиши муқаррар бўлгандир, чунки ҳар бир деҳқон хўжалигига конкрет кўрсатмалар бериб туришнинг амалда имконияти йўқ эди. Колхозлар тузилган даврда ҳам конкрет раҳбарлик қилишда муайян қийинликлар бўлган бўлса керак; хўжаликлар жуда майда эди, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик органларининг умумий кўрсатмалар ва умумий директивалар бериш билан шуғулланишлари учун ўша вақтда маълум даражада сабаблар бор эди.

Бироқ, ҳозир қишлоқ хўжалигининг структураси бутунлай ўзгариб кетди. Биз колхозларни йириклаштирдик, минглаб янги совхозлар туздик. Эндиликда ҳамма хўжаликлар — колхозлар ҳам, совхозлар ҳам йирик ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб қолди. Биз мана шундай корхоналарга раҳбарлик қилиш учун ишлаб чиқариш бошқармаларини тузмадик. Афсуски, бу бошқармаларнинг кўплари район ер бўлимлари ишлаган методлар билан ишламоқда. Хўжаликларга раҳбарлик қилиш умумий чақириқлар ва резолюциялардан, умумий директивалардан иборат бўлиб қолмоқда. Хулласи, раҳбарлик формаси янгию, аммо мазмуни эскича бўлиб қолган.

Бундай аҳволнинг сабабини кўрсатиб бериш қийин эмас. Биз ишлаб чиқариш бошқармаларини тузмадик. Аммо бу янги органларда ишлаш учун район партия комитетида, район ижроия комитетида, область партия комитетида ва область ижроия комитетида ишлаб юрган кишиларнинг ўзлари келишди. Улар кўп йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишнинг мана шундай услубида тарбия кўриб келган кишилар эди. Шунинг учун ҳам, табиийдирки, улар янги ташкилий структура раҳбарлиқ қилишнинг принципиал янги йўлини тутишни талаб қилаётганлигини англаб олмадилар. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари раҳбарлик қилиш ишида бундан ўн-йигирма йил олдинги методлардан фойдаланмоқдалар — кўкламги экишни бошлаш олдидан, йигим-теримни бошлаш, галла тайёрлашни бошлаш олдидан кенгашлар чақирадилар, ишлаб чиқаришни юритишнинг яхши методлари тўғрисида шу кенгашларда гапирадилар, ёмонроқ ишлаётганларни кўрсатиб ўтадилар, илғорларни мақтайдилар ва қолоқларни танқид қиладилар, резолюция қабул қилиб, чақириқ билан мурожаат қиладилар ва ишлаб чиқаришга раҳбарлик шу билан тугайди. Иш эса шу вақтгача бўлиб келган тартиб билан давом эта беради. Сабаб? Бунинг сабаби шуки, одамлар ҳам, одатлар ҳам, иш услуби ҳам ўзгаргани йўқ.

Энди буларнинг ҳаммасини бутунлай ўзгартириш керак, Колхозлар ва совхозларга раҳбарлик қилувчи ишлаб чиқариш бошқармаси деган сўзларнинг маъноси нималигини англаб олиш керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш керак. Шунчалик моддий ва техника имкониятларимиз бўлгани ҳолда кўп йиллардан бери қолоқ хўжаликлар яшаб келаётган экан, буни қандай қилиб бошқариш деб бўлади. Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари, у ёки бу хўжалик колхозга ёки совхозга қилинаётган раҳбарликнинг заифлиги, малакали эмаслиги натижасида орқада қолиб келаётир, деган гапни айтишяпти, бу ҳақ гап. Лекин кадрлар малакасининг етарли эмаслигини ҳамиша қолоқликнинг сабаби қилиб кўрсата бериш мумкинми, ахир? Ўн йил ичида ёш раҳбарларнинг бутун бир авлодини тарбиялаш, паёқатли ташкилотчиларни ўстириб вояга етказиш, уларнинг олий ва ўрта маълумотли бўлишига ёрдамлашиш мумкин эди.

Аммо шундай қилинмаётир. Сабаб? Бунинг сабаби шуки, колхоз, совхознинг ривожланиши ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган Менимча, кўп камчиликларимизнинг асосий сабаби ҳам мана шунда.

Ҳозир биз улкан химияни барпо қилмоқдамиз, ўғитлар ишлаб чиқаришни, бегона ўтларни йўқотиш учун ва қишлоқ хўжалигининг экинларининг зараркунандаларини қириб ташлаш учун керакли химиявий воситаларни ишлаб чиқаришни йилдан йилга кўпайтира берамиз. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш учун, ҳосилдорликни ошириш учун бунинг жуда катта аҳамияти бор. Лекин у ёки бу хўжаликка қилинаётган раҳбарлик паст даражада қола берар экан, маблағлар кутилган натижаларни бермайди. Химия ҳосил учун курашдаги қудратли восита, лекин химиявий воситалардан самарали фойдаланиш учун билим керак.

Мана шуларнинг ҳаммасини партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари тушуниб олишлари лозим. Агар биз кўч ва ғайратимизни фақат минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга қаратсак-у, лекин замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш маҳоратини одамларга ўргатмасак ҳозирги вақтда химияга сарфлаётган моддий маблағларимиз, кадрларнинг билими ва ташкилий уқуви бўлмаса биз кутган самарани бермайди. Ҳозирги вақтда раҳбарнинг чуқур билимларга эга бўлиши, одамларни ташкил қилишга, хўжаликни тўғри юритишга, техникадан, минерал ўғитлардан ва бошқа ҳамма воситалардан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ишларининг ўрнида махсус билимга эга бўлган бошқа кишилар келиб ишлай беради. Мисол учун қанд лавлаги ўстириш тўғрисида йўл-йўриқ бермоқ учун инспекторнинг ўзи бу экинни чуқур ва ҳар томонлама билиши, бу соҳадаги фаннинг энг янги муваффақиятларидан ва илғорларнинг тажрибаси даражасида билимга эга бўлиши керак. Фақат шундай ташкилотчи инспекторгина ўзи йўл-йўриқ ўргатаётган одамлар орасида обру қозонади. Агар инспектор ишни билмаган ҳолда хўжаликка келса, у қандай қилиб маслаҳат бера олади, раҳбарларга қандай қилиб йўл кўрсата олади? Унга бирор ишни қандай қилиб бажариш кераклигини кўрсатиб беринг деб мурожаат қилинса, у менинг вақтим йўқ, қўшни колхозга ёки совхозга боришим керак деб баҳона қилаберади-да. Бундай инспекторнинг аҳволини тушуниш мумкин. У, шарманда бўлмаслик, ўзининг уқувсизлигини кўрсатмаслик учун конкрет ишдан бўйинтовлашга иложи борича ҳаракат қила беради.

Ташкилотчи инспектор хўжаликнинг конкрет тармоғини, эҳтимолки, фақат шу тармоқни эмас, ҳаттоки, ҳар бир айрим экинни, чорванинг ҳар бир турини яхши биладиган юқори малакали мутахассис бўлиши лозим. У, шундай билимдон киши бўлиши керакки, колхозда ҳамма уни, бизга келиб, ишимизни кўриб яхши ёрдам беради, деб жуда орзиқиб кутиб олинадиган ходим бўлсин.

Инспектор қадрларни тайёрлашда ихтисослаштириш йўлидан бориш керак. Универсализм яхши-ю, лекин ҳамма нарсани биладиган универсал кадрларни тайёрлаш қийин, бунга кўп вақт кетади.

Чамамда, деҳқончилик соҳасида энг муҳим экинларни яхши биладиган мутахассисларни, асосий техника экинлари соҳасида эса масалан, ғўзани, қанд лавлагини ва шу кабиларни ҳеч сўзсиз яхши биладиган мутахассисларни инспектор қилиб олиш керак. Шундай қилинганда инспекторларни кўпайтириш керак бўлармикан? Кўпайтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Ҳозирги вақтда ташкилотчи инспектор тўрт-беш колхозга ва совхозга хизмат қиладиган бўлса, ихтисослаштириш амалга оширилганида у икки баравар кўп хўжаликка хизмат қилиши мумкин. Эҳтимолки, баъзи экинлар ва тармоқларга мутахассис бўлган инспектор бутун бошқармага хизмат қиладиган бўлади. Шу сабабли инспекторлар штати кўпайиб кетади, деган хавф йўқ. Мен буни 1963 йил 2 ноябрдаги хатимда айтиб ўтган эдим. Лекин бунинг ҳаммасини ўйлашиб ва ҳисоблаб кўриш керак.

Хўш, ташкилотчи инспекторлар тайёрламоқ учун одамларни қаердан оламиз? Бундай кишилар қишлоқ хўжалигининг ўзида бор. Уларнинг энг яхшиларини танлаб олиб, курсларга юбориш керак. Уларни муайян вақт ўқиш билан банд қилиб қўйишдан кўрқмаслик керак. Одамларни фақат курслардагина ўқитиш билан чекланмай, энг яхши агрономларга, зоотехникларга, бригадирларга, звено бошлиқларига шогирд қилиб, уларга конкрет ишни ҳам ўргата беравериш. Сўнгра, уларни имтиҳон қилиб кўриб, қўлларига аттестатлар бериш, бу аттестатларда уларнинг муайян экинга ёки хўжаликнинг тармоғига доир зарур билимларни эгаллаб олганликларини, малакали тармоқ бўйича ташкилотчи инспектор бўлиб ишлаши мумкинлигини кўрсатиш керак.

Кадрларни битта ихтисосни ҳар томонлама биладиган қилиб тарбиялаш керак, лекин шу билан бирга улар шу ихтисосга доир билимларни чуқур билиб олишлари, назария ва практикани эгаллаб олишлари, ишни мукаммал ташкил эта оладиган бўлишлари керак. Ташкилотчи инспектор ўзининг ишлаб чиқариш тармоғида колхоз ёки совхоз учун ўрнак қилиб олинниши лозим бўлган энг яхши намуналарни билишга мажбур. У хўжаликдаги ишни мана шу намуналарга қараб ташкил қилиши лозим.

Ташкилотчи инспектор кадрларини танлашда ҳозир биз мана шундай талабларни қўйишимиз, муносиб кишиларни топишимиз мумкинми?

Ҳа, мумкин. Бизга қанча мутахассис кераклигини ва ўқув юртлари қанча киши бераётганлигини бир кўздан кечирайлик. Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ҳаммасида 10 минг ташкилотчи инспектор бор. Инспекторларнинг ҳаммасини ҳам ўзгартира бериш керак эмас, албатта. Инспекторлик вазифасига кўтарилган кишиларнинг кўпчилиги тайёргарлиги бўлган ва ўқимишли кишилардир, уларнинг ўз ишларини тўғри ташкил қилишларига ёрдам бериш керак, холос.

Мутахассисларни ташкилотчи инспектор қилиб кўтариш учун жуда катта резервимиз бор. 1963 йилнинг ўзидагина олий қишлоқ хўжалик ўқув юртларини 30 мингдан кўпроқ киши тамомлаб чиқди. Бу — жуда катта армия. Ишлаб чиқариш бошқармалари учун кадрларни мана шу армиядан танлаб олиш керак. Эҳтимол, ёш мутахассислар ўқув юртларини тамомлаб чиққанларидан кейин тажрибалари йўқлиги сабабли дарров инспектор бўлиб ишлай олмасалар ҳам керак Уларнинг уч ой эҳтиёлки, олти ой ва ҳатто бир йил тажриба орттиришларига имкон бериш керак. Энг муҳими шуки, қишлоқ хўжалик ўқув юртининг охирги курсида бўлажак мутахассисларга хўжаликни юритишнинг ташкилий формаларига доир кўпроқ билим бериш, уларни муайян қишлоқ хўжалик тармоқларига мослаб ихтисослаштириш керак, токи улар амалий иш билан шуғулланишга ўқув юртининг ўзидаёқ тайёргарлик кўриб чиқсинлар. Ёш мутахассисларни ўқув юртини тамомлаганларидан кейин энг яхши колхозларга ва совхозларга иш ўрганиш учун юбориш мақсадга мувофиқ бўлади, улар бундай энг яхши колхоз ва совхозларда яхши тажриба орттирадилар, трактор ҳайдашни ҳам, далаларни ишлашни ҳам, сигир соғишни ҳам, техникани далаларда ишлатиш учун, экин экиш учун ва шу каби ишларни бажариш учун созлашни ҳам ўрганиб оладилар. Хуллас, одамларни ҳамма ишда синаб кўриш, уларнинг энг яхши раҳбарларимиз, энг яхши механизаторларимиздан таълим олишларига, илғорларнинг иш методларини эгаллаб олишларига ва мана шуларнинг ҳаммасини бошқаларга кўрсатиб бера оладиган бўлишларига имкон бериш керак. Ишлаб чиқариш бошқармаларида бизга мана шундай инспекторлар керак.

Кўпинча бизда ёшларни ишлаб чиқариш бошқармаларига, колхозларга ва совхозларга олишга қўрқишади, ваҳолонки, ёшларни ўргатиш осонроқ бўлади-ку! Олий ўқув юртларини битириб чиққанларнинг институтда ўқиб олган назарий билимлари, баъзан эса амалий тажрибалари ҳам бор. Мана шундай кишиларни топиб, илғор хўжаликларга амалий тажриба орттириш учун юбориш, сўнгра эса инспектор қилиб тайинлаш керак. Улар ҳали ёш, мўйлови чиқмаган деб айтишлари мумкин. Ҳўш, нима бўпти? Кексаларнинг ҳаммаси ўз вақтида ёш бўлган-ку. Мутахассисларнинг кучи ҳам шундаки, улар ёш, сергайрат. билимга эга бўлган кишилардир. Агар билимлари кифоя қилмаса, бу билимларини осонлик билан оширишлари мумкин, чунки адабиётдан фойдаланишни билишади. Ишонаманки, шу ёш мутахассислардан қишлоқ хўжалигимизнинг йирик раҳбарлари ўсиб етишади.

Мисоллардан бирини илгари гапириб ўтган эдим, шу мисолни ҳозир ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Ўртоқ Кавун 25 ёшида колхозга раис бўлган эди. Бунақа раислар битта эмас, хўжаликка муваффақиятли раҳбарлик қилаётган бошқа ёш мутахассислар ҳам бор. Ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган йигитлар ва қизлар орасидан мана шундай кишиларни топишимиз лозим. Раҳбарлик ишларига қизларни кўтаришдан кўрқмаслик керак. Бундай қизларнинг энг қобилиятлиларини колхозларга, совхозларга, ишлаб чиқариш бошқармаларига мутахассис қилиб юбориш керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг жуда яхши ташкилотчилари — колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, мутахассислар, ферма мудирлари, бригадаларнинг, звеноларнинг бошлиқлари бўлиб ўзларининг яхши раҳбар эканликларини кўрсатган кўпгина хотин-қизларимиз каби бу қизлар ҳам яхши ишлаб кетишларига аминман.

Ёш кадрларни кўтаришдан кўрқмаслик керак. Кекса авлод ёшларга аллақачон тан бериб қўйган. Ёшлар ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан бунга сазовор бўлдилар. Ёш мутахассисларга ёрдам бериш, энг яхши намуналарни кўрсатиб, уларни ўргатиш лозим. Баъзан, колхозчилар ёш мутахассисларга ишонишмайди, деб важ қилишади. Бу унчалик тўғри эмас. Ёши улғайиб қолган кишилар ёшларнинг ишлаб чиқаришни ҳақиқатан билганлигини кўрганларида бундай ёшларга қўлоқ солаётганликларини ўз кўзим билан кўрганман.

Ўз фикрларини яхши баён қилибгина қолмасдан, шу билан бирга қандай ишлаш кераклигини амалда кўрсата оладиган раҳбар колхозчилар орасида тезроқ обрў қозонади. Хуллас, одамлар мутахассиснинг фақат назариянигина билиб қолмасдан, шу билан бирга ўз тармоғидаги практикани ҳам билган киши бўлишини истайдилар. Ёш инспекторлар колхозларда ва совхозларда бир оз ишлаб тажриба орттириб, кейин шу хўжаликларга хизмат кўрсатадиган бўлиб қолишлари, ўз маҳоратларини ошириб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида ҳам билимдон бўлиб қолишлари мумкин. Аминманки, икки-уч йилдан кейин улар фақат малакали инспекторларгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга колхозларга раис ёки совхозларга директор қилиб кўтаришга лойиқ кишилар ҳам бўлиб қоладилар. Олий ўқув юртини тамомлаб мустақил ишлаш йўлига қадам қўяётган ёш мутахассиснинг колхоз, совхоз ишлаб чиқаришини ўзлаштириб олиши билими бўлмаган кишининг бу ишни ўзлаштириб олишига қараганда осонроқ бўлади. Улар ақлли, виждонан ишлайдиган, эпчил ва олган билимларидан амалий ишда фойдаланишни ҳақиқатан истаётган кишилар бўлса, қишлоқ хўжалигимизнинг, социалистик жамиятимизнинг йирик қурувчилари бўлиб ўсиб етишадилар.

Ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларига иш ҳақи тўлаш системасини уларнинг ўзлари хизмат кўрсатаётган колхозлар ва совхозлардаги ҳосилдорликка, чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ва маҳсулотнинг таннархига боғлиқ қилиб қўйиш керак. Маҳсулот етиштиришда энг юқори натижаларга эришаётган кадрларни муваффақият билан ўргатаётган, ўз ишини яхши билган мутахассисларнинг, билимдон кишиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағ аямаслик керак. Бундай ходимларни танлаш, тақдирлаш, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, яъни уларнинг меҳнатига юқорироқ ҳақ тўлаш керак.

❁ ❁ ❁

Бошқа баъзи масалалар юзасидан бир қанча мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Бизда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғи учун, ҳар бир экин учун аталган, иш органларини алмаштириш мумкин бўлган машиналар комплекси бўлиши керак. Инглиз инженери Фергюссон тракторга тиркаладиган система яратиб шу билан обрў қозонди. Бу нарса машиналар комплекси билан трактордан ерни ишлаш, экин экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва меҳнат унумдорлигини анча ошириш, кўплаб миқдордаги металлни тежаш имконятини берди. Фергюссон бу ишни капиталистик шароитда қилиб, қишлоқ хўжалигининг тараққиётига ёрдам берган экан, бизнинг социалистик шароитимизда бу ишни қилиш айниқса осонроқдир.

Биз учун қишлоқ хўжалик ускуналарини комплекс тарзда ишлаб чиқаришни ташкил этиш осонроқ ва енгилроқ ишдир. Бу иш шу пайтгача қилинмаган экан, баъзи ходимларимизнинг консерватизми ва эпчил эмаслиги, техника тараққиёти бўлмаса қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин эмаслигини тушунмаслик бунга сабаб бўлмоқда. Бизда тракторга тиркаладиган асбоб-ускуналарнинг шундай йиғиндиси бўлиши керакки, натижада у ёки бу экинни етиштиришнинг ҳамма процессларини — ерни ишлаш, экиш, ўғит, гербицид солиш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш процессларининг ҳаммасини механизациялаш мумкин бўлсин. Ана шундай шароитдагина машиналардан керакли самара олиш, меҳнат сарфини кескин камайтириш мумкин. Аслини олганда Светличний, Первицкий, Гиталов, Мануковский ўртоқлар ва бошқалар машиналардан комплекс фойдаланиш туфайли обрў қозондилар. Керакли асбоби бўлмаса одам унумли ишлай олмайди, машина ва ускуналарнинг йиғиндиси эса қишлоқ хўжалигида механизатор учун ана шундай керакли асбобдир.

Машиналарнинг комплексларини яратишда қишлоқ хўжалик техникаси универсалроқ бўлсин, кам миқдордаги агрегатлар билан кўпроқ хилдаги қишлоқ хўжалик ишларини бажариш мумкин бўлсин, деган вазифани қўйиш керак. Ҳозир бизда баъзи машиналардан йил давомида қисқа муддат ичидагина фойдаланилади. Бу нарса шунга олиб бормоқдаки, гектар бошига ҳисобланганда машина ишлаб чиқариш учун кўпроқ миқдордаги металл сарфланмоқда. Бироқ, ҳар бир ишнинг меъёри бўлиши керак, албатта. Техника ишлаб чиқариш соҳасидаги ортиқча универсализм хўжаликни ихтисослаштиришга путур етказишги мумкин.

Биз ҳозиргача қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни махсус комиссияга топшириб келган эдик. Лекин иш охирига етказилмади. Бу масалани яна кўриб чиқиш ва техника соҳасидаги, шунингдек ишлаб чиқариш технологияси соҳасидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини деҳқончилик ва чорвачилик учун керакли машиналар комплекси билан таъминлаш лозим.

Яна бир масалага тўхталиб ўтаман, чунки бу масала матбуотда тез-тез тилга олиниб турилади ва амалий аҳамиятга эгадир. Гап чопиқ қилинадиган экинларни экиш усуллари ҳақида боради. Бу масала жуда муҳим, шу сабабли мен ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман.

Маълумки, чопиқ қилинадиган экинларни квадрат-уялаб ёки квадрат усулда экишни кўп йиллардан бери тавсия қилиб келмоқдамиз ва ҳозир ҳам тавсия этаётирмиз. Бу усуллар ўртасидаги тафовут фақат шундан иборатки, квадрат уялаб экилганда уяда бир неча дона экин бўлади, квадрат усулида экилганда эса битта кўчат бўлади. Бундай усуллар экинларни парвариш қилиш вақтида уларни механизм ёрдамида икки томонлама ишлаш, қўл меҳнати сарфини қисқартириш ҳамда чопиқ қилинадиган экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини беради. Квадрат-уялаб экиш усули Қўшма Штатларда жуда кенг қўламда қўлланиб келди, ҳозир ҳам қўлланилмоқда. Бу усул америкалик фермерларга бир ишчи кучи билан 100 гектар маккажўхори майдонини ишлаш имконини берди.

Гербицидлар пайдо бўлиши билан америкаликлар маккажўхорини қаторлаб экишга ўта бошладилар ва мўл ҳосил олмоқдалар. Улар маккажўхори экиладиган минтақада, масалан, Айова штатида ана шу йўлдан бордилар. Бу штатда бир неча йиллар давомида сурункасига маккажўхори кетидан маккажўхори экиб келинмоқда. Яна таъкидлаб айтаманки, бу иш маккажўхоридан кейин, масалан буғдой экишга тўғри келмайдиган маккажўхори зонасида қилинмоқда. Чунки, маккажўхорига атаб солинган гербицидлар буғдойни нобуд қилади.

Маккажўхоридан кейин буғдой экиладиган штатларда эса америкаликлар маккажўхори майдонидаги бегона ўтларга қарши курашда гербицидлардан фойдаланмайдилар, улар маккажўхорини кўпроқ квадрат-уялаб экадилар ва қатор ораларини икки томонлама ишлайдилар.

Химия билан шуғулланувчи илмий муассасаларимиз бир мақсадни кўпроқ кўзлаб ишлашлари, бегона ўтларни йўқотадиган, лекин маккажўхоридан кейин экиладиган экинга зарар келтирмайдиган гербицидларни топишлари керак.

Биз бегона ўтларни йўқотиш учун химиявий воситалардан фойдаланиб шу туфайли ёнили сарфини қисқартирамиз, механизмлар ёрдамида ишлаш миқдорини камайтирамиз ва, шундай қилиб, меҳнат унумдорлигини оширамиз. Гербицидлар бундан бу ён қишлоқ хўжалигида катта роль ўйнайди. Саноатимиз, олимларимиз, колхоз ва совхозларнинг ана шу қимматли химиявий моддаларга бўлган эҳтиёжини тезроқ қондиришлари керак.

Шу билан бирга чопиқ қилинадиган экинларни ишлашнинг ҳамда гербицидлардан фойдаланишнинг энг самарали усуллари юзасидан тажрибани умумлаштириш зарур.

Фақат оғоҳлантириб қўйишимизни истардимки, бу масалада шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак. Гербицидлардан фойдаланиш натижасида олиш мўлжалланадиган фойдани арифметик усулда ҳисоблаб чиқилса, квадрат-уялаб экиш усулидан воз кечилса, бошқа усулларга ўтилса, юзаки ҳисоблаганда фойда бўлади-ю, лекин ҳосил бўлмай қолиши ҳам мумкин. Биз ҳозирча гербицидлар кам, бинобарин одамларни чопиқ қилинадиган экинларни механизмлар ёрдамида ишлашга ўргатмасак, ҳосилга зарар етказамиз. Бу соҳада яхши тайёргарлик кўриш ва ҳамма нарсани текширишдан ўтказиш керак. Чопиқ қилинадиган экин ҳосилдорлиги камаймасдан, аксинча ҳосилнинг ўсишига тўла ишонч бўлгандагина бир хил экиш усули ўрнига иккинчисини жорий қилишни тавсия этиш мумкин.

❁ ❁ ❁

Меҳнатни ташкил қилишни ва меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш — қишлоқ хўжалигини янада муваффақиятли ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат комитети ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг — совхозларда аккорд—мукофот усулида ва колхозларда қўшимча равишда ҳақ тўлашнинг энг яхши намуналарини ўрганса маъқул бўлур эди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва меҳнатга ҳақ тўлашда одамларни аввало асосан қайси кўрсаткичларга қараб рағбатлантириш кераклигини белгилаб олиш керак. Кўриқ ўлкадаги «Самарский» совхозининг директори ўртоқ Лихобаба таклифи менга жуда ёқди. У, етиштирган ҳосилга қараб, маҳсулот центнердан бевосита ҳақ тўлашни жорий этишни тавсия қилмоқда.

Ёки ўртоқ Светличний звеносини олиб кўринг. Унда меҳнатга ҳақ тўлаш асосий кўрсаткичларга — ҳосилдорликка, ҳар бир центнер маҳсулот етиштиришга сарфланган вақтга ва маҳсулот таннархига боғлиқ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида ана шу звенодан намуна олишга, ана шундай практикани сингдиришга тўғри келадиганга ўхшайди. Шунда статистика бошқармалари тўплайдиган кўрсаткичлар сони ҳам камаяр, колхоз ва совхозлардаги ҳисобчи ходимлар сони ҳам қисқарар эди. Ҳисоб-китоб ишлари билан бевосита бригадирлар, звено бошлиқлари шуғуллана бошлаган бўлур эди. Шундай қилинганида улар қаерда ва қайси ишда тежаш мумкинлигини яхшироқ кўрган бўлур эдилар.

Бизда ҳозир яхши ишлаётган кишиларни рағбатлантириш учун жуда катта имкониятлар бор, бинобарин иш ҳақининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантирадиган системасини қидириб топиш керак.

Балки меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги энг яхши тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш билан шуғулланадиган илмий марказ ташкил этиш ҳақида ўйлаб кўриш ва Москвада шундай марказ ташкил этиш керакдир. Айни вақтда бу масала устида республикалар, ўлкалар, областларда ҳам ўйлаб кўриш керак. Республикаларнинг қишлоқ хўжалик органлари ўзларида бўлган ҳамма энг яхши нарсаларни умумлаштириб танлаб олсинлар. Бизда маҳсулот етиштиришга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида яхши намуналар бор. Ҳамма республикалардаги энг яхши тажрибани олиш, ўрганиш, умумлаштириш, энг прогрессив тажрибани қабул қилиш ва колхозларга тавсия этиш керак. Яна бир марта таъкидлайманки, бу ҳақда мажбурий қарор чиқариш керак эмас, балки тавсия этиш керак. Бюрократларча аралашишга, маъмуриятчиликка бутун чоралар билан йўл қўймаслик зарур, энг яхши тажрибани жорий қилишнинг энг яхши йўли — моҳирона пропаганда, одамларни ўқитиш, янгиликнинг эскилик устидан ҳамма афзалликларини кўрсатиш, жумладан меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг сиз энг яхши деб гаклиф